201___ A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

15 (499) ● 2018 йил 11 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Сана

БУЮК БУНЁДКОР ВА МАДАНИЯТ ҲОМИЙСИ

Истиқлол йилларида миллий-маънавий қадриятларимизни, улуғ аждодларимиз номини тиклаш, улар меросини ўрганиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ва изчил давом этмоқда.

Амир Темур — ўзлигимизни англаш, миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш борасидаги улуғвор ишларда халқимиз тийнатидаги бунёдкорлик, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги саодатли кунларга шукроналик, эртанги ёруғ келажакка ишонч билан яшашдек фазилатларга маънавий куч бағишлаётган шавкатли сиймолардан биридир. Қудратли салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида бой амалий ва назарий мерос қолдирган, илму фан, бунёдкорлик, маданият, маънавият ривожига кенг йўл очган буюк аждодимизнинг ҳаёт йўли бугунги авлодлар учун ибрат мактабидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 14 декабрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида "Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: "Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!" деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур", деган эзгу даъвати улуғ аждодимиз хотирасига кўрсатилаётган улкан эҳтиромнинг бардавомлигидан далолат.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил этилган ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темур ва темурийлар салтанатининг ўрнига бағишланган давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Унда депутатлар, олимлар, партия фаоллари, профессор-ўқитувчилар, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида тарихимизни ҳаққоний ўрганиш, буюк аждодларимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган улушини жаҳон миқёсида кенг намойиш этишга қаратилаётган доимий эътибор ўзлигимизни англаш, жамиятимизда маънавий-маърифий муҳитни юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги нишонланаётган шу кунларда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига қизиқиш халқаро майдонда тобора ортиб бормоқда.

Давра суҳбатида Амир Темурнинг жаҳон ва ўзбек давлатчилиги тарихида тутган ўрни, буюк бобокалонимизнинг инсоният равнақига қўшган маданий ва маънавий ҳиссаси, мустақиллик йилларида унинг ҳаёти, фаолиятини ўрганиш, хотирасини эъзозлаш борасида амалга оширилган ишларга оид маърузалар тингланди. Талабалар ва ўқувчиларни қизиқтирган саволларга тарихчи олимлар жавоб қайтарди.

Тадбир иштирокчилари пойтахтимиздаги Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Ўз мухбиримиз

Очиқ мулоқот

БОЛАЛАР ҚЎШИҚЧИЛИГИ

УНДАГИ МУАММОЛАРНИ ЕЧМАЙ ТУРИБ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Президент қарори ижроси доирасида "Болалар қўшиқчилиги: бугунги ҳолати ва истиқболлари" мавзусида очиқ мулоқот ўтказди. Очиқ мулоқотни партия Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

— Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантиришда мусиқий маданиятни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди, таълимнинг барча босқичларида мусиқий таълимни сифатли ташкил этишга қаратилган 20 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда мактабдан ташқари, мактабгача, умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимларида узлуксиз мусиқа таълимини ташкил этишга замин яратди.

2-бет

Бугуннинг гапи

КЛИПЛАРДАГИ "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ"

УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА БАДИИЙ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ, БИРОҚ У ЮРИДИК КУЧГА ЭГАМИ?

Ахборотнинг сарҳад, чегара билмаслиги, жаҳон миқёсида кечаётган глобаллашув жараёни, бугун ҳар соҳада бўлаётган ривожланиш, ўзгариш, тараққиёт, замон билан ҳамнафаслик танганинг иккинчи томони ҳам борлигини ҳисобга олишни тақозо этмоқда. Тараққиёт нафаси келиб турган тармоқларнинг қай бирини олмайлик, у биргина соҳага эмас, балки бутун бошли миллат, давлат тақдирига дахлдор бўлиб бормоқда. Қуйида сўз юритмоқчи бўлганимиз — аксарият хонандаларнинг қўшиқларига ишланаётган клипларда учраётган "замонавийлик" ҳам бугунга келиб катта бир масала-муаммога айланиб улгурди.

Клипнинг ҳам ўз талаб ва меъёри мавжуд. Унинг энг асосий шарти — кўрсатилаётган тасвир қўшиқ мазмунини ифодалаши ва ривожлантириши керак. Клип турли шаклда яратилиши, яъни бирор қўшиқчининг концертидан парча тарзида бўлиши, рақс ва ритмик ҳаракат орқали ифодаланиши, маълум бир воқеа кўринишида тасвирланиши ҳам мумкин. Бироқ бир нарсани унутмаслик керакки, қандай шаклда суратга олинишидан қатъий назар, клип сюжетли, маълум композицияга эга бўлган, энг асосийси, тасвир қўшиққа ҳамоҳанг, уни тўлдириб, мазмунини кучайтирмоғи керак.

Бироқ бугун сони ва салмоғи ошган телеканаллар орқали намойиш этилаётган клипларнинг ҳаммаси ҳам бу қоида ва меъёрларга жавоб берадими?

Том, том-пом жойидамас,
Эшигимни тақ-тақ қилиб
Қўшни бола қочиб кетди.
Уф чарчаб кетдим.
...Бу қиз бола-да, бола-да, бола-да
Қўлида помада, помада, помада.

Энг аввало, қўшиқ матнида (агар уни қўшиқ деб бўлса!) шеъриятнинг оддий қонун-қоидаси (қофия, вазн) мавжуд эмас. Шеърдан кўра кўча гапига ўхшайди. Қолаверса, "бола-да" деган сўз "помада"га (лаб бўёғи) қофия сифатида ўйлаб топилганки, бу ерда нима боғлиқлик бор, бир-бирини тўлдирадиган қандай маъно касб этади, тушуниш амри маҳол.

5-бет

Ушбу сонда:

КУРАШ ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДАСТУРИГА РАСМАН КИРИТИЛДИ

ЎзМТДП ФАОЛИ МУХЛИСА АБДУМАЛИКОВА МАЗКУР ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

6-бет

КИТОБ САВДОСИДАН МИЛЛИАРДЕР БЎЛГАН ИНСОН

ДУНЁНИНГ ЭНГ БАДАВЛАТ КИШИСИ ЖЕФФ БЕЗОС ВА У АСОС СОЛГАН "AMAZON" КОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

7-бет

Муносабат

ЭНДИ ШУНЧАКИ ЁЗИБ БЎЛМАЙДИ...

Адабиёт ҳар қандай миллатнинг, халқнинг тафаккур даражасини белгиловчи мезондир. У тарихни тирилтиради, келажакдан башоратлар қилади. Чин маънодаги истеъдодли, профессионал шоир ва ёзувчилар башарият, аёнки, қайсидир халқ тасаввури ва тафаккури берган ҳосиладир. Улар инсон руҳининг, қалбининг ҳурлигини, моҳиятини тараннум этади. Шунинг учун бирор халқнинг адабиёти даражасига боқиб, унинг маънавий камолоти даражасига, жамиятидаги ўзаро муносабатларига, тараққиёт босқичига бемалол баҳо бериш мумкин. Демак, адабиётга эътибор халқнинг маънавиятига, камолотига, келажагига эътибор, дегани ҳақ гапдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори маънавиятга, адабиётга эътиборнинг ёрқин намунаси, соҳада янги босқични бошлаб берувчи тарихий ҳужжат бўлди. Чунки бу қарор уюшма фаолиятини тубдан яхшилаш, ўзгартириш, қалам аҳлини эса улуғ режалар, марралар сари илҳомлантириши тайин.

Албатта, бунгача ҳам соҳада талай ишлар амалга оширилди. Яъни уюшманинг "Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникаси реконструкция қилинди, уюшма қошида "Ижод" фонди тузилди.

2-бет

Дипломатия тарихидан

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ

ТАРИХИЙ АСОСГА ЭГА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 11 январь куни Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари фаолияти таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида миллий давлатчилигимиз неча минг йиллик қадимий тарих ва бой маданиятга эгалиги, дипломатик муносабатлар ҳам тарихимизнинг энг чуқур қатламларига бориб тақалиши таъкидланди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки Самарқанд шаҳридаги қадимий Афросиёб давлати жойлашган макондан топилган ноёб деворий расмларда Самарқанд ҳукмдорининг Чин, Гогирё, Ҳинд, Чагониён каби давлатлардан келган элчиларни қабул қилиш маросими акс этгани бунга яққол далил бўла олади.

Самарқанд шаҳри тарихига оид ноёб экспонатлар жамланган "Афросиёб" музейида VII-VIII асрлар ҳаёти акс этган "Элчилар хонаси" деворий асари мавжуд. Унда Самарқанд ҳукмдори Вархуман билан учрашиш учун келган турли мамлакат элчилари, филларда сайр қилаётган маликалар, тўй ва ов маросимлари бўёқларда маҳорат билан чизилган. Бу суратлар жаҳон олимларини ҳамон ҳайратга солиб келади. Унда асосан тарихий шахслар тасвирланган. Суратлар сарой деворининг тўрт томонига ҳам чизилган.

6-бет

Хорижликлар нигоҳи

ХИЗМАТ СИФАТИ НАРХИГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

МАМЛАКАТИМИЗ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИ ХУСУСИДА ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАР БИЛАН СУҲБАТ

Туризм — иқтисодиётнинг янада ривожланиш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мазкур соҳа тараққиётига ҳисса қўшишни ўзининг энг муҳим дастурий вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Президентимизнинг 2017 йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги дастуриламал маърузасидан келиб чиқиб партия бу борада муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ЎзМТДП ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар, алоҳида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

3-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
15 (499) 2018 йил 11 апрель, чоршанба

Очиқ мулоқот

БОЛАЛАР ҚЎШИҚЧИЛИГИ

УНДАГИ МУАММОЛАРНИ ЕЧМАЙ ТУРИБ, МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИБ БЎЛМАЙДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва ҳудудий жиҳатдан мақбул жойлаштириш бўйича бошланган ишларни мантиқий давом эттириш, болалар ижодий салоҳиятини ошириш, мусиқа ва санъатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, бу борада тўпланган жаҳон тажрибаси ва меросини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида мамлакатимизда болаларнинг руҳий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстиришда нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъатини ҳам чуқур ўрганиш ва ютуқларини ўзлаштириш, халқаро нуфузли танловлар ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маданият муассасалари, "Баркамол авлод" болалар марказлари, мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантиришга кўмаклашиш каби мақсад-вазифалар белгиланган. Ҳудудий партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари айни шу мақсадда мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактабларидаги мусиқий таълимнинг сифати, болалар қўшиқчилигининг бугунги аҳволини ўрганди. Мавжуд камчилик ва муаммолар аниқланиб, шу асосда таклифлар ишлаб чиқилди. Бугунги очиқ мулоқотда соҳа мутахассислари иштирокида аниқланган муаммолар ҳамда қарор ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиш, келгусидаги вазифаларни белгилаб олишни мақсад қилганмиз, деди партия етакчиси.

Очиқ мулоқотда партия фаоллари ва мутахассислар бугунги кунда болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда умумтаълим мактабларининг мусиқа фани бўйича ўқув дастурлари, педагог кадрлар салоҳияти ва моддий-техник базаси ҳолатини атрофлича муҳокама қилдилар. Иштирокчиларга партия ташкилотлари ва депутатларнинг ўрганишлари натижаси тақдим этилди.

— Жойлардаги ўрганишларимиз, таҳлиллар жараёнида 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган болаларнинг аксарияти болаларга хос бўлмаган, мусиқий таълим дастуридан ўрин олмаган, хорижий эстрада хонандаларининг қўшиқларини куйлаётгани, мактабгача таълим муассасаларида эса байрам дастурларининг аксариятида рэп, поп йўналишидаги ва паст савиядаги "қўшиқлар"дан кенг фойдаланилаётгани аниқланди, — деди партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Шаҳноза Султонова. — Умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг мусиқа маданияти фани ҳақидаги мулоҳазалари ҳамда 1-, 4-, 6-, 7-синфларга мўлжалланган 2017-2018 ўқув йиллари учун тақвимий-мавзу режаси ўрганилганда, мусиқа дарсларида

мусиқа тинглаш, жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа саводи бўйича машғулотлар ўтилаётгани, ўзбек болалар қўшиқчилиги ва жаҳон мусиқасининг энг сара намуналари ҳамда мусиқали ўйинлар ўрин олганига гувоҳ бўлинди. Бироқ, машғулотлар кўп ҳолларда бошқа мутахассис-ўқитувчилар томонидан ўтилаётгани, уларнинг аксарияти ҳатто бирорта соз чалиш малакасига эга эмаслиги, айрим дарслар фақат шеър ёдлаш ёки таълим мазмунига мувофиқ келмайдиган қўшиқларни эшитишдан иборат бўлиб қолаётгани аниқланди. Аксарият умумтаълим мактабларида фортепиано бўлса-да, у жуда яроқсиз ва носоз аҳволда. Чунки ундан мусиқа дарси машғулотлари давомида фойдаланишнинг имкони йўқ. Айрим таълим муассасаларида миллий чолғулар тақчиллиги кузатилмоқда.

Мулоқот давомида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг болалар қўшиқларининг тарғиботи бўйича эфир сеткаси таҳлил этилгани қайд этилди, болалар қўшиқчилик санъатини ривожлантиришда деярли ярим асрдан буён ўз ҳиссасини қўшиб келаётган "Булбулча" болалар ашула ва рақс ансамблининг бугунги ҳолати ва фаолияти ҳамда мусиқий таълимни сифатли ташкил этишда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тадқиқотчи изланувчиларининг ўрганишлари таҳлил этилди.

— 1970 йилда ташкил топган "Булбулча" болалар ашула ва рақс ансамбли Марказий Осиёда ягона болалар хор жамоаси саналади, — деди "Булбулча" болалар ашула ва рақс ансамбли раҳбари Шермат Ёрматов. — Бу ансамбль нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам ўзбек санъатини муносиб намойиш этиб, 50 га яқин турли даражадаги мукофотларга сазовор бўлди. 100 га яқин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, бастакорлар, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, турли илмий даражадаги соҳа мутахассислари, санъатшунос, мусиқашунос, хор дирижёрлари ва таниқли ижодкорларни тарбиялаб вояга етказди. Жамоанинг мингга яқин қўшиқлари Ўзбекистон радиоси "Олтин фонди"га киритилган. Ансамбль мактабларда илк мусиқали-хор синфларини ташкил қилишга эришган. Мазкур синфларда биринчи марта академик ва ўзбек миллий қўшиқчилиги анъаналарини мужассам этган янги ижрочилик йўналиши шакллантирилди.

Очиқ мулоқотда болаларнинг маънавий, маданий-маърифий ва эстетик оламини юксалтиришда катта хизмат қилиб келаётган мазкур ансамблга бугун эътибор талаб даражасида эмаслиги, унинг фаолиятини тиклаш, тажрибасини амалиётга татбиқ этиш бугунги шиддатли глобаллашув даврида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда мактаб ўқувчилари учун муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Тадқиқотлар хор куйловчилари орасида жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиш кўрсаткичи икки баробар кам қайд этилишини, ўрганишлар агарда хор ёки турли тўгаракларига аҳолининг атиги 5 фоизи қамраб олинганда ҳам мамлакатнинг умумий маданий даражаси кескин ошиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Хорда куйлаш воситасида ёшларнинг чекиш, спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, ижтимоий зўриқиш даражасини пасайтириш имкони мавжуд. Шу боис санъатнинг бу тури бугунги кунда қатор давлатлар, жумладан АҚШ, Германия, Австрия, Россия, Италия, Испания, Швеция, Чехия, Венгрия, Жанубий Корея, Хитой, Индонезия, Малайзия ва Вьетнамда кенг ривожланмоқда. Бу далиллар, ўз навбатида, мамлакатимизда айни кунда болалар мусиқа таълимида хор ижрочилигининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади.

Очиқ мулоқотда Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Феруза Абдураҳимова, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбир сўнгида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари асосида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг таклифлари ишлаб чиқилди.

Дилдора ЖАМОЛОВА,
В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори:

— Бугун юртимизда маданият ва санъат соҳасига қаратилаётган эътибор, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз навбатида, ижодкорлар, педагоглар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, уларни ўз ижтимоий бурчини теран ҳис этишга ундайди. ЎзМТДП ташаббуси билан ташкил этилган мазкур очиқ мулоқотда болалар қўшиқчилик санъатини ривожлантириш ҳамда хор жамоаларининг бугунги ҳолати атрофлича таҳлил қилинди.

Мусиқа таълимини ривожлантиришга болаларнинг фикри, дунёқараши, қарашларидан келиб чиқиб ёндашилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Лицейимизда республика ва халқаро танловларнинг совриндорлари ва иштирокчилари билан учрашувлар кичкинтойлар учун концертлар, "Болажонлар — болаларга!" мусиқий хайрия акциялари, "Юртим, сенга жоним фидо!" каби маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади. Бу каби тадбирлар умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларга мусиқа санъатининг энг сара намуналарини тақдим этиш, уларнинг мусиқа ва санъатга бўлган меҳрини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Илҳом РАСУЛОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Мафкуравий ва маънавий-маърифий масалалар бўлими бошлиғи:

— Партиямиз томонидан болалар қўшиқчилигини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган таклифлар, энг аввало, соҳа равнақига ҳисса қўшишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. ЎзМТДП мусиқий таълимнинг сифатини танқидий таҳлил этишга қаратилган мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда ҳудудлар кесимида болалар мусиқа таълими ҳолатини ўрганиш таклифини илгари сурмоқда. Партия ижтимоий тармоқлар, электрон нашрлар ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларида "Болангизнинг энг яхши кўрган қўшиғи қайси?" мавзусида ижтимоий ва блиц-сўровлар ўтказиш, махсус кўрсатувларда жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ота-оналар ва болалар билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, шу асосда таклифлар тайёрлаш соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Ҳамдам НИЁЗОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлими бошлиғи:

— Болалар учун яратилган мусиқий тўпламларни мутахассислар иштирокида замон талабларига мослиги ва болаларнинг онгу тафаккурига таъсири нуқтаи назаридан тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш бугунги куннинг долзарб вазифаси саналади. Шунингдек, 2-7, 7-11, 11-16, 16-18 ёшгача тоифа асосида вояга етмаганлар учун таълим муассасалари ва болалар дам олиш масканлари, ёзги оромгоҳларда жўрнавозликда ижро этиладиган энг сара болалар қўшиқлари тўпламларини яратиш, уни оммавий ишлаб чиқариш ва савдосини йўлга қўйиш ўсиб келаётган фарзандларимизнинг миллий мусиқа санъатимизга бўлган меҳр ва эътиборини юксалтиради. Очиқ мулоқотда бундай тўпламларни болалар учун мўлжалланган махсус сайтлар, кино, театр, мультипликацион фильм, клип ва роликлар орқали тарғиб этишга, ҳар бир оилага кириб боришга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилди. Умуман, ЎзМТДПнинг ўрганишлари асосида вокал-хор таълимини ривожлантириш, мусиқа ўқитувчиларини тайёрловчи олий ўқув юртлари ҳамда мусиқа мактабларининг ўқув дастурлари ва моддий техник базасини такомиллаштириш, "Булбулча" болалар хори, ашула ва рақс жамоасини қайта ташкил этиш каби таклифлар ишлаб чиқилгани партия дастурий вазифалари ижросида муҳим аҳамият касб этади.

ЎзМТДП Марказий кенгаши Ахборот хизмати

Муносабат

ЭНДИ ШУНЧАКИ ЁЗИБ БЎЛМАЙДИ...

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида пойтахтимиз марказида Адиблар хиёбони ташкил этилди, уюшма ва унинг нашрлари учун янги кошона барпо этилди.

Мазкур қарор эса уюшма фаолиятини атрофлича қамраб олиб, уни янада ривожлантиришга қаратилгани билан бағоят аҳамиятлидир. Аввало, қарорда таъкидланган вазифалар Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган "Давлат — маънавиятнинг бош ҳомийси" тамойили асосида белгилаб берилган.

Маълумки, шу кунгача жуда кўп нашрлар муаллифларга деярли қалам ҳақи бермасди. Бу ҳам кулгили, ҳам ачинарли ҳолдир. Ёзувчи ойлаб, йиллаб кўз нурини тўкиб, тунлари ухламай, роман ёки қисса ёзса-ю, у бирор нашрда босилиб ўқувчига етса-да, лекин унга арзирли қалам ҳақи берилмаса — бу қайси қуюшқонга тўғри келади?! Ўзингиз ўйланг, ёзувчи бўлиш осон иш эмас эди: чунки у аввало ота, эр, маҳалладош, ишхонада ходим, жамият фаоли ва ҳоказо. Улардан ортиб ёзувчилик қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермас экан. Қуруқ қаламкашлик билан рўзғор тебратиб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас эди. Қарор бу аҳволга барҳам бериши тайин. Зеро, унда мутасадди идораларга "... ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк шаклидан қатъий назар, барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, электрон ОАВ, нашриётлар томонидан муаллифлик гонорари тўлашни қонуний асосда таъминлаш" юзасидан аниқ вазифалар юклатилган. Мана энди қалам аҳлининг елкасига офтоб тегиши аниқ. Бу шунингдек, адабиётимизнинг дунё миқёсига чиқишига ҳам замин яратади.

Кўплаб шоир ва ёзувчилар, айниқса, ёшлар ижара уйларда яшаши ҳам ҳеч кимга сир эмас. Тошкент шаҳрининг марказида ёзувчилар учун имтиёзли ипотека кредити асосида 110 квартирали уй-жой қурила бошлангани Юртбошимизнинг ёш ижодкорларга оталарча ғамхўрлиги намунасидир.

Амалдаги тартибга биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири "Ижод" фонди Васийлик кенгашининг раиси ҳисобланади. Энди фоннинг ҳудудий бўлимлари Васийлик кенгашларига вилоятлар ҳокимларининг раислик қилиши ва ҳудудий университет ҳамда институтларнинг ректорлари уларнинг ўринбосари бўлиши белгилаб қўйилди. Бу вилоятларда яшаб, ижод қилаётган қаламкашларнинг ҳам муаммолари ҳал этилиши, уларни доимо қўллаб-қувватлашга имкон яратади.

"Ижод" фонди маблағлари ҳисобидан уюшманинг ҳудудий бўлимларига штат бирликлари ва енгил автомобиль ажратиш, уюшма муассислигида чиқаётган газета ҳамда журналларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун маблағлар йўналтириш, "Дўстлик клублари" фаолиятини аниқ манбалар асосида янада ривожлантириш каби вазифаларнинг белгиланишидан эса қалам аҳлининг боши осмонга етди. Чунки уюшманинг ҳудудий бўлимлари аҳволи жуда оғир, ҳатто баъзилар жойсиз эди. Энди кўрсатилаётган эътибордан уларнинг нуфузи ҳам, меҳнат самарадорлиги ҳам ортади. Уюшма муассислигидаги нашрларнинг базўр "кун кўриб келганлиги", кам ададда чиққанлиги боис штатлари сони ниҳоятда чеклангани энг оғриқли муаммолардан эди. Қарорга асосан улар ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Бу эса ўз-ўзидан ижодкорларнинг ишчанлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Қарорда атоқли шоир ва ёзувчиларнинг юбилейларини ўтказиш, кўргазмалар ташкил этиш, китобларини нашр қилиш, ёш ижодкорларни қўллаш борасида ҳам аниқ вазифалар қайд этилган. "Китоб акцияси" тадбирларини мунтазам ўтказиш, китоб тарғиботини кучайтириш, "Ижод" фонди ҳомийлигида нашр этилган китобларни жойларга бепул етказиб бериш борасидаги фикрлар маънавият соҳасидаги ишларимизни юқори поғонага олиб чиқиши аниқ.

Биз ижодкорларга эса талаб битта: яхши асарлар ёзиб, она Ватанимизнинг шону шавкатини, халқимизнинг эзгу ўйларини, мустақиллигимизнинг шарафли йўлини дунёга тараннум этиш, ўз ишимизга янада масъулият билан ёндашиш! Бир сўз билан айтганда, энди шунчаки ёзиб бўлмайди!

Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

БУЮК НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда 5 апрель, том маънода Адабиёт куни сифатида нишонланадиган бўлди. Давлат раҳбари томонидан шу кун "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қабул қилинган қарор бунга асос бўлади. Қарор Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг буюк Навоий каби шоири бор адабиёт ҳам буюк бўлиши лозимлиги ҳақидаги мунаввар ниятининг илк қадамидир. Зеро, адабиёт ҳамма учун керак, ҳар куни керак.

Бу ҳужжат шуниси билан характерлики, унда рамзий равишда "бадиий ижод" деб аталадиган, лекин бирор қолипга, ҳатто назарияга сиғмайдиган фаолиятнинг ривожланиши учун жами қон томирларига ҳаёт суви етиб борадиган чоралар аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган. Тўғри, ҳали кўплаб қарор ости ҳужжатлари қабул қилинади, бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилади, бироқ ҳукумат даражасидиги бундай эътибор соҳанинг камолида ҳал қилувчи таянч бўлиб қолади. Энг асосийси — мақсад аниқ, бугунги шиддат ва суръат талабларига жавоб берадиган адабиётга тамал тоши қўйиш ва уни нурли келажак хизматига камарбаста қилиш.

Азалдан бир гап юради: "Иқтидорларга кўмак беринг, иқтидорсизлар ўз йўлини топиб кетади". Гапнинг сираси — бутун борлиғини ёзишга бағишлаган одам турли маҳкамаларга учрашиш, нашр ишлари билан шуғулланиш, китобини харидорга етказиб бериш сингари юмушларга вақт ҳам, куч ҳам тополмайди. Қарорда ана шундай ташкилий ишларни ҳукумат кўмагида ҳал этиш белгилаб қўйилган. Шунингдек, қарорда қалам аҳлига ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги аниқ вазифалар белгилаб қўйилганки, уларнинг адо этилиши билан бадиий кашфиётларга йўл очадиган руҳий осойишталик, мамнуният ва ишонч таъминланади.

Бундай қарорнинг қабул қилиниши бой тарихга эга бўлган адабиётимизга чинакам ғамхўрликнинг намунасидир. Уни бутун дунё эътироф этиб турган, ҳамон шуҳрат тожини ҳеч кимга бермай келаётган буюк бобокалонимиз Алишер Навоий руҳига чуқур ҳурмат рамзи ҳам дейиш мумкин. Ҳужжатнинг муборак кунларда эълон қилинишида ҳам ҳикмат бордек. Ахир Алишер Навоий Соҳибқирон Амир Темур барпо этган маънавият бўстонида муаттар чаман эмасми? Қолаверса, буюк шахс ва беназир ижодкор фаолиятида умумийликлар кўп. Навоий яратган идеал образ — Фарҳод Ширининг юртида тоғ кесиб, ариқ чиқаради. Бу ҳаётий далил Соҳибқироннинг Қорабоғда Барлос каналини қаздиргани бадиий ифодаси эмасми? Бундай ҳамоҳангликлар эса жуда кўп. Ўз пайтида бобомиз Амир Темур ҳазратлари "Қоғозда ёзилганлари қурилган иморатлардан ҳам узоқроқ яшайди" деган эди. Миллий адабиётимизни ривожлантириш ҳақидаги қарор ана шу пурмаъно сўз бугун ҳам қўллаб-қувватланаётганининг амалий тасдиғидир.

Ҳаким САТТОРИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МИЛЛИЙ МАҚОМИМИЗНИ БУТУН ДУНЁ ТИНГЛАЙДИ

Бугун мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, хусусан, халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий мақом санъатининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуби ва бой ижодий анъаналарини изчил давом эттириш учун кенг йўл очилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрда қабул қилинган "Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жорий йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилиши йўлга қўйилаётгани ўзбек мақом санъатининг ўзига хос ижро мактаблари ва анъаналарини янги босқичда равнақ топтириш, унинг "Олтин фонди"ни яратиш ва бойитиш, халқаро нуфузини ошириш ва кенг тарғиб қилишга хизмат қилади.

Айни пайтда ушбу халқаро анжуманга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Президентимизнинг 2018 йил 6 апрелдаги "Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида"ги қарори бунда дастуриламал бўлаётир.

Қарорда белгиланганидек, мазкур халқаро анжуман шу йилнинг 6-10 сентябрь кунлари Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтади. Анжуманга хорижлик мусиқашунос ва мақомшунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар таклиф этилади. Бундан кўзланган асосий мақсад — турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтиришда миллий мақом санъатининг ролини оширишдан иборат.

Халқаро анжуман доирасида Шаҳрисабздаги Оқсарой майдони ҳудудида мақом санъатига оид турли кўргазмалар, миллий созлар ва либослар, ҳунармандчилик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошлик намуналари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар, аудио ва видео дисклар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиш қилиниши хорижий меҳмонларда юртимиз аҳолиси маданияти, амалий санъат маҳсулотларига бўлган қизиқишнинг янада ортишига хизмат қилади.

Анжуман, ўз навбатида, юртимизда туризмни ривожлантиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Хорижий меҳмонларнинг республикамизга кириш визалари белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилиши, Тошкент шаҳри ва Қашқадарё вилоятидаги меҳмонхона ва овқатланиш хизматларини 50 фоизлик чегирма билан ташкил этилиши, анжуман ўтказилиш тартиби белгиланган дастур туристик ташкилотларга аввалдан берилиши (улар хорижлик сайёҳларнинг юртимизга ташрифини ташкиллаштиришда аниқ кўрсатмага эга бўлади) бунга яққол мисол бўла олади.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори маданият ва санъат соҳасига берилаётган улкан эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Бунинг натижасида қадим тарихга эга санъатимиз билан бирга Ўзбекистон аталмиш улуғ гўша довруғи дунёга таралади. Миллий мақом санъати тадқиқ этилиб, унинг назарияси ва амалиёти ўртасидаги тафовут ва ўхшашликлар, тарихи ва бугуни "Мақом мусиқа санъати ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни" мавзусида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

Матлуба ДАДАБОЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти

Ички туризм

Мамлакатимизда ташқи ва ички туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида қисқа вақт ичида сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошди.

САЙЁҲЛИК ИМКОНИЯТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ БИЛАН ПОЙТАХТДАН ЭЛЛИК КИШИ САМАРҚАНД ШАҲРИГА САЁҲАТ ҚИЛДИ

Давлатимиз раҳбарининг соҳага оид фармон ва қарорлари асосида хорижий сайёҳлар учун виза тизимининг соддалаштирилиши, туристлар учун бир қатор имтиёз ва имкониятлар яратилиши бунда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш учун янада қулай шароитлар яратиш, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш каби мақсад-вазифалар кўзда тутилган.

Ўзбекистондек ўтмиши бой, табиати ранг-баранг мамлакат дунёда кам. Хушманзара оромгоҳларимиз хорижнинг машҳур курортлари билан бемалол беллаша олади. Бугун "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" дастури доирасида ўқув муассасаларининг ўқувчилари ва талабалари, ногирон болалар ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, ишчилар, нафақадаги фуқаролар, маҳалла фаоллари, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламлари ҳам мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш имконига эга бўлмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида туризм воситасида Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб этиш, фуқароларни миллий ғурур ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялашда туризмнинг ўрни ва аҳамиятини тарғиб этиш энг муҳим мақсад-вазифалар сифатида белгиланган.

"Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастури ижроси доирасида халқ депутатлари Сергели туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Хирожиддин Ибрагимов ташаббуси билан "Халқобод" маҳалла фуқаролари йиғинида истиқомат қилувчи кекса отахон ва онахонлар, маҳалла фаоллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда кам таъминланган оилалар фарзандларидан иборат 50 кишилик гуруҳ қадимий Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳат қилиш имконига эга бўлдилар.

— Азалдан одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг заминида мангу ором топган азиз-авлиёлар, буюк инсонлар хоки пойини зиёрат қилишни орзу қилишган. Буни ўзлари учун шараф, деб билишган, — дейди маҳалла фаолларидан Мавжуда Суярқулова. — Бугун Самарқанд ана шундай истак, қутлуғ ниятдаги инсонлар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Юртимиз шаҳар ва қишлоқларидан келаётган минглаб ватандошларимиз, хорижий мамлакатлардан келаётган меҳмонлар Самарқандни, унинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилиб, ўз ҳурмат ва эҳтиромларини изҳор этмоқда. Самарқанднинг ноёб тарихий ёдгорликлари, замонавий иншоотлари, хушманзара табиати ва бошқа кўплаб дам олиш масканлари бизга жуда манзур бўлди.

Самарқанд — ҳайрат ва мўъжизалар шаҳри. Бу ерга келган меҳмон, сайёҳ борки, шаҳарнинг тарихий обидалари, бетакрор меъморлик намуналарини томоша қилиш, улардан завқ олишни истайди. Қолаверса, бу заминда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Халқободлик меҳмонлар ҳам Регистон, Бибихоним масжиди, Улуғбек расадхонаси ва Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуаларида бўлишди, Соҳибқирон Амир Темур мақбараси, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига атаб бунёд этилган мақбара мажмуаси ва Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилдилар.

— Ҳар сафар бу табаррук диёрга келганимда улкан ижобий ўзгаришлар, янгиланишлар, тараққиёт сари дадил интилишларнинг гувоҳи бўламан, — дейди халқ депутатлари Сергели туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Хирожиддин Ибрагимов. — Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар ғоят бетакрор. Буларнинг бари Буюк ипак йўли чорраҳасидаги мамлакатимизда азалдан турли маданиятлар, анъаналарнинг ўзаро мулоқоти асрлар мобайнида давом этганидан дарак беради. Хива, Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарларимизни чет эллик сайёҳлар бир неча минг километр йўл босиб, кўргани келишади, таассуфки, биз эса яқинимизда, ёнгинамизда турган бундай хазинани бориб кўришга фурсат ёки имкон топа олмаймиз. Президентимиз томонидан зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, айниқса, байрам кунларида қўшимча дам олиш кунларининг жорий этилиши, ички туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Насиб этса, бу каби саёҳатларни ҳар икки ойда ташкил этишни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ўйлайманки, қизиқарли ўтган Самарқанд саёҳати давомида юртдошларимиз жаҳонга машҳур архитектура ёдгорликлари, диққатга сазовор жойлар ва вилоятнинг бугунги тараққиёт кўрсаткичлари ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш билан бирга, уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлар и

Хорижликлар нигоҳи

ХИЗМАТ СИФАТИ НАРХИГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

МАМЛАКАТИМИЗ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИ ХУСУСИДА ЧЕТ ЭЛЛИК МЕҲМОНЛАР БИЛАН СУҲБАТ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Партия мамлакатимизда туризм йўналишида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга кўмаклашиш мақсадида юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижлик меҳмонларнинг Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ва имкониятлари хусусидаги фикрларини ўрганишни ҳам мақсад қилган. Ана шу лойиҳа доирасида ЎзМТДП Марказий кенгаши Тошкент халқаро Вестминстер университетида бир неча йилдан буён талабаларга инглиз тилидан сабоқ бериб келаётган чет эллик ўқитувчилар Мандана Арфа-Кабудванд ҳамда Андрэ Селети билан суҳбат ташкил этди. Уни ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Самандар Исмоилов олиб борди.

— Мамлакатимизда хорижлик сайёҳлар, умуман, чет эллик меҳмонлар учун яратилган шарт-шароит қай даражадалиги, бошқа давлатларда сайёҳлар учун яратилган имкониятлар билан қиёсланганда Ўзбекистонда туризм соҳасида қандай ютуқ ва камчиликлар борлиги ҳақида сизнинг фикрингизни билиш биз учун муҳим.

Мандана Арфа-Кабудванд хоним, Ўзбекистонга келишдан аввал мамлакатимиз ҳақида етарли маълумот ва тасаввурга эга эдингизми? Келганингиздан сўнг фикрларингиз қай даражада ўзгарди?

— Дунёда сайёҳлик салоҳияти юқори ва жадал ривожланаётган давлатлар кўп эмас. Чунки мазкур соҳа фаолиятини йўлга қўйиб, сайёҳларни мамлакатга жалб қилиш, уларга юқори сифатли сервис хизмати кўрсатиш осон эмас. Бунинг бир қатор талаблари, халқаро стандартлар бор. Аввало, мамлакатда тинчлик-осойишталик таъминлангани, ҳудуднинг табиий иқлим шароити, тарихий-маданий обидалару бутун инсониятнинг бойлиги бўлган осори-атиқалар, қадрият ва анъаналарнинг мавжудлиги каби жиҳатлар эътиборга олинади. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сайёҳлигининг йирик марказларидан бирига айланиб, дунёда юртингизга қизиқиш тобора ортиб бораётгани бежиз эмас.

Эрондан Ўзбекистонга келганимга деярли уч йил бўляпти. Бу ерга келишимдан аввал юртингиз ва ўзбек адабиёти ҳақида муайян тасаввурга эга эдим. Акам мендан олдин Ўзбекистонга бир неча марта сафар қилган. У юртингиздаги кўҳна обидалар, маданий ва тарихий мерос объектлари, бетакрор табиати, замонавий иншоотлари акс этган кўплаб суратларни кўрсатган. Ўшанда мени бир нарса жуда ҳайратлантирган эди. Бу — ўзбекистонликларнинг нигоҳи, кўз қарашлари. Юртингиз фуқароларининг кўриниши турлича бўлса-да, лекин уларнинг нигоҳи бир хил: ўзбекларнинг кўзи кулиб турар экан. Тўғри, дастлабки кунларда одамлар қиёфасида жиддийлик бордек туюлган. Лекин мамлакатингизга келиб, бу ердаги очиққўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувончга тўлди.

— Ўзбекистон хорижлик сайёҳларни қай даражада ўзига жалб қила оляпти, деб ўйлайсиз? Чет эллик сайёҳларни кутиб олиш, уларга туризм йўналишларини тавсия этиш, саёҳатлар ташкил қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатга қандай баҳо берасиз?

— Бу саволга жавобни ўз мамлакатимдан бу ергача етиб келишдаги мураккабликлардан бошласам. Буни кўпгина хорижий мамлакатлар, жумладан, Эрондан Ўзбекистонга тўғридан-тўғри самолёт қатнови йўлга қўйилмагани билан изоҳлаш мумкин. Агар бевосита Эрон-Ўзбекистон йўналишида парвоз қилинса, масофа вақти 2 соату 20 дақиқани ташкил этади. Бироқ ҳозир биз Истанбул ёки Олмаота орқали келамиз. Бу, роппа-роса бир суткалик вақтни йўқотиш дегани. Бундан ташқари, кўрсатилаётган хизматлар нархи анчайин қиммат. Хизмат сифати ёмон эмас, лекин нархига унчалик мос эмаслиги мамлакатингизга ташриф буюрувчиларга бироз ноқулайлик туғдиради, дейиш мумкин. Айтайлик, баъзида яқинларим, дўстларимни Ўзбекистонга таклиф қилишга тўғри келади, шунда улар ҳам айнан юқорида таъкидланган ноқулайликларни важ сифатида келтириб ўтади. Билишимча, Эрон ҳаво авиацияси юртингизга тўғридан-тўғри парвозни йўлга қўйишни режалаштираётган эди. Агар бу амалга ошса, ўйлайманки, жаннатмонанд бу заминда, албатта, эронлик сайёҳлар салмоғи ошиши шубҳасиз.

Яна бир масала: меҳмонхона ва ресторан бизнеси сайёҳликнинг энг кўп даромад келтирадиган тармоқларидандир. Мамлакатингиз ресторан ва меҳмонхоналарида хизмат кўрсатиш юқори даражада йўлга қўйилган. Бироқ бу соҳада сифат ҳамиша ҳам бир хилда сақланиб турмаслиги таассуфланарлидир. Масалан, бир сафар боргандаги яхши таассурот кейинги гал такрорланмаслиги, ҳатто айтиш мумкинки, бутунлай акс таассурот қолдириши ҳеч гап эмас. Бундан ташқари, Интернетда Ўзбекистон ҳақида инглиз тилида ёзилган маълумотлар кам. Сайёҳлик масканлари, меҳмонхоналар, ресторанлар, тарихий шаҳарлар, обида-ю зиёратгоҳлар, умуман, юртингиздаги мавжуд сайёҳлик салоҳияти ҳақида инглиз тилида ҳам етарли маълумотлар тақдим этилса, нур устига нур бўлар эди. Бу билан сайёҳларда Ўзбекистон ҳақида кенгроқ тушунча шаклланади. Чунки қаерга бўлмасин, саёҳат олдидан, албатта, ўша давлат ҳақида Интернетдан маълумот қидирилади.

— Дунё миқёсида якка тартибда саёҳат қилишга қизиқиш ортиши ихчам хусусий меҳмонхоналар тармоғини ривожлантиришни тақозо этаётир. Мамлакатимизда хусусий меҳмонхоналар ҳам жадал ривожланмоқда. Уларда яратилган шароит, хизмат сифати ва белгиланган нархлар кўнгилдагидекми?

— Юқорида айтганимдек, хизматлар учун белгиланган нархлар анчайин қиммат. Устига-устак уч юлдузли меҳмонхоналарни беш юлдузли, дея тақдим этишлар мавжуд. Бунга Самарқандда ўзим гувоҳ бўлганман. Меҳмонхонанинг чўмилиш ҳавзаси ё ишламайди, ё тоза эмас. Нонуштани ҳам меъёрдагидек деб бўлмайди ва ҳоказо. Мен ўшанда бир қадрдоним билан бирга борган эдим. Икки кишилик хона оддий ва кичик, белгиланган нарх эса талабга мувофиқ эмас. Бу борада ишни ташкил қилиш, мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича дунё тажрибасидаги самарали тизим, соҳадаги энг сўнгги янгиликлар жорий этилса, бу, албатта, ўз самарасини бериб, хорижий сайёҳларнинг юртингизга оқими тобора кўпайишида муҳим омил бўлади.

— Мамлакатимизнинг қайси шаҳарларига бордингиз? Миллий таомларнинг қайси бири сизга кўпроқ маъқул келди?

— Бухоро ва Самарқандга уч, Хивага бир марта борганман, шунингдек, баҳор фаслида Шаҳрисабз ва Наманган шаҳарларига боришни яхши кўраман.

Миллий таомлар ажойиб. Айниқса, тўй оши – жону дилим. Шунингдек, менга Хоразм таомлари кўпроқ ёқади: шивит ош (мен уни пиширишга ҳам урониб кўрганман), тухум барак...

— Раҳмат, энди жаноб Андрэ Селетига юзлансак. Жаноб Селети, Ўзбекистоннинг қайси шаҳарларида бўлдингиз? Ўзингиз бевосита томоша қилган туризм масканлари сизга қанчалик манзур бўлди?

— Ўзбекистонга келганимга бир ярим йилдан ошди. Шунга амин бўлдимки, ўзбек халқи азалдан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларининг устаси сифатида донг таратгани бежиз эмас экан. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Қўқон каби шаҳарларингиздаги гўзал меъморий обидалар ва муқаддас қадамжолар дунёда кам учрайди. Шу боис бу заминда қурилган обидалар асрлар давомида жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Бу шаҳарлардаги ноёб тарихий ёдгорликлар, замонавий иншоотлар, хушманзара табиат, бетакрор маданият ва анъаналар билан танишдим. Шунингдек, Нукусдаги И.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейига бордим, Орол денгизида очиқ осмон остидаги кемалар музейини кўрдим. Ушбу манзилларнинг ҳар бирида ўзига хослик мавжуд. Улар — сайёҳларнинг эътиборини жалб қила оладиган масканлар.

— Юртимизда сайёҳлар учун кўрсатилаётган хизматлар ҳақида нима дея оласиз? Соҳадаги ютуқ ва камчиликлар нималардан иборат?

— Юқорида ҳамкасбим айтганидек, дарҳақиқат, туристик сайтларда Ўзбекистон ҳақида инглиз тилидаги маълумотлар жуда кам. Масалан, тарихий обидаларнинг қурилиши, қачон, ким бунёд этгани ҳақида ўзбек ёки рус тилида кўплаб маълумотлар бор. Лекин инглиз тилида бундай маълумотларни топиш қийин. Тўлиқ маълумотга эга матнлар нафақат инглиз тилига, балки француз, немис ва бошқа тилларга ҳам таржима қилинса, хорижлик сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш имкони пайдо бўлиши шубҳасиз.

— Италиядан бизнинг юртимизга келишда, виза олиш масаласида мураккабликлар юзага келмаганми?

— Бу борада айтарлик муаммога дуч келганим йўқ. Чунки бу ерга ишга таклиф қилинганман. Шунинг учун ҳам виза олиш қийинчилик туғдирмаган. Яна айтиш мумкинки, таклиф хати, туристик агентликлар орқали келиш осон. Шунда ортиқча вақт ва маблағ сарфланмайди.

— Ўзбек миллий таомлари ҳар доим сайёҳларга маъқул келган. Бироқ, бу ерга келган сайёҳлар нафақат маҳаллий, балки хориж таомларини ҳам татиб кўришни исташи табиий. Бу ерда тайёрланаётган бошқа халқлар таомлари хусусида нима дея оласиз?

— Албатта, ҳамма ҳудудда юқори сервис хизмати кўрсатадиган ресторан ва кафелар мавжуд. Бу ердаги сифатли хизмат, самимий муносабат мижозларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, муайян муассаса, қолаверса, мамлакат обрўси юксалишига хизмат қилади. Уларда маҳаллий ва бошқа халқлар таомлари етарли даражада сифатли ва мазали қилиб тайёрланади, деб айта оламан. Меҳмонхоналарда хориж таомларини чет эллик ошпазлар тайёрлар экан. Бу, албатта, таомнинг маромида тайёрланишини таъминлайди.

Биласиз, биз, италияликлар қаҳвани хуш кўрамиз. Бухорода чой, қаҳва тайёрлайдиган шохобчалар етарли. Бироқ Самарқандга борганимда биргина "Эспрессо" қаҳвасини топиш учун икки соатча пиёда юрганман. Франция, Германия аҳолиси кўпроқ капучино ичади. Сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган жойларда кичик қаҳва шохобчалари мавжуд бўлса-да, лекин қаҳванинг юқори сифатли, чет эллик мижозларга манзур келадиган турлари йўқлигини камчилик сифатида келтириб ўтиш мумкин...

— Хорижлик мутахассислар, сайёҳлар учун Ўзбекистонда яшаш қай даражада қулай, деб ўйлайсиз? Бир марта келган сайёҳ яна бир бор келишни истайдими?

— Бу ерда аёлим билан бирга ишлаймиз. Бизга Ўзбекистонда яшаш жуда ёқади. Чунки одамлар дўстона муомала қилади, агар муҳтож бўлсангиз, ёрдамга ошиқади. Ўзбек тилини яхши билмасак ҳам кўча-кўйда юрганимизда бизни тушунишга ҳаракат қилиб, манзилимизни топишда, етиб олишимизда кўмаклашишади. Умуман, жамиятдаги бундай муҳит, албатта, хорижлик меҳмонлар учун маъқул келади. Мен инсонларнинг биргина меҳмондўстлиги ва очиққўнгиллиги ҳақида айтдим, холос. Бундан ташқари, Ўзбекистонда яшаш учун яратилган шароитлар, миллатлараро тотувлик, қонун-қоидаларнинг барчаси нафақат туризм салоҳияти, балки халқингиз фаровонлиги учун хизмат қилиши ҳам айни муддао.

— Сўнгги савол иккалангизга ҳам тегишли — туристлар учун бошқа давлатларда мавжуд, лекин Ўзбекистонда буни амалга оширишнинг имкони йўқ деб билган шароитлардан нималарни келтириб ўтиш мумкин?

Мандана Арфа Кабудванд:

— Эрон Каспий денгизи: Форс кўрфазига туташ. Ўзбекистонда улкан денгиз бўйида сайр қилиш имкони йўқ. Шахсан менга соҳилда дам олиш ёқади. Денгиз бўйида балиқли таомлар тановул қилиш барча учун ғоят ҳузурли бўлса керак. Афсуски, табиий жиҳатдан олиб қарасак, Ўзбекистон денгиз ёки океан қирғоғига туташ эмас.

Андрэ Селети:

— Билишимча, ўзбекистонликлар футбол томоша қилишни яхши кўрар экан. Мен Италияда пайтим футбол томоша қилгани бевосита стадионга тез-тез борар эдим. Бу ерда ҳам "Бунёдкор", "Пахтакор" жамоаларининг ўйинларига тушдим. Лекин ўйиннинг жозибаси Италиядагидек эмаслиги мени бироз ранжитди. Шунингдек, денгиз бўйлаб саёҳат менга ҳам ёқади. Бу, Ватаним — Италия океан билан туташлигидан бўлса керак — денгиз соҳилларида дам олишга ўрганганмиз. Ўзбекистонда денгиз йўқлиги боис бундай имконият чегараланган.

— Фикр ва мулоҳазаларингиз учун раҳмат. Келгусида ҳам ана шундай таассуротларга асосланган суҳбатлар уюштиришга ҳаракат қиламиз ва янги таклиф ва ғояларингиз Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини янада оширишда ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилади, деган умиддамиз.

"Milliy tiklanish" мухбири
Шаҳзод ҒАФФОРОВ ёзиб олди.

MILLIY TIKLANISH
15 (499) 2018 йил 11 апрель, чоршанба

Қонунчилик палатасида

МУЛОҚОТНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИ

МУАММОЛАРНИ ТЕЗКОР ҲАЛ ЭТИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси оммавий ахборот воситалари вакиллари учун тадбир ташкил этди. Унда "Muloqot" мобиль иловасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирни қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Илҳом Абдуллаев кириш сўзи билан очди. Қайд этилганидек, бугун аҳоли билан очиқ мулоқот ўтказиш ва уларнинг мурожаатларига ечим топишга устувор аҳамият қаратиб келинаётир.

"Muloqot" мобиль иловаси фуқароларнинг парламент депутатларига йўллаган электрон мурожаатларини қабул қилиш ва қайта ишлаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган. Ушбу илова парламентнинг жамоатчилик билан алоқалари сифатини яхшилаш, фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш жараёнлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

— "Muloqot" мобиль иловаси фуқароларни ўйлантираётган масала-муаммоларни тезкор ҳал этишда парламент аъзоларининг фаол иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. — Мобиль илова мурожаатчиларнинг шахсга доир маълумотлари ва шахсий ахборотлари ошкор этилмаслиги ҳамда зарур хавфсизликни таъминловчи Ўзбекистон Республикаси электрон ҳукумат фойдаланувчиларини индефикация қилиш Ягона тизими — "OneID" билан интеграциялашган. Мурожаат билан бирга унга тегишли файл, расм ёки ҳужжатларни ҳам қўшиб жўнатиш мумкин. Шунингдек, зарур бўлганда картада мурожаат билан боғлиқ объект жойлашган ерни кўрсатиш имконияти ҳам мавжуд. Бу парламент вакилларида мавжуд ҳолат ҳақида тўла тасаввур ҳосил бўлишига ҳамда муаммонинг тезкор ҳал этилишига хизмат қилади. Фуқаролар мурожаатига депутатлар кўрган чораларнинг самарадорлигини баҳолаш учун берилган жавоблар доирасида жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ҳар бир мурожаат тегишли базага киритиб борилади. Иловадан ўзбек ва рус тилларида фойдаланиш мумкин.

Бугун мазкур мобиль иловадан "Android" операцион тизими учун "beta" режимида фойдаланиш мумкин. У Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ёритувчи бир гуруҳ журналистларга синов тариқасида ишлатишга берилди. Тўлиқ синовдан ўтгандан кейин "Muloqot" иловасидан Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари фойдаланиш имконига эга бўлади. Бу аҳолининг парламент аъзолари билан ўзаро электрон мулоқотини кенгайтиради, жойлардаги муаммоли ҳолатларни тезкорлик билан депутатларга етказиш имконини беради ҳамда уларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фестиваль

Ҳар бир миллат, элу элатнинг ўзига хос либоси, бош кийими, урф-одатлари бўлади. Улар орасида ўзбекона дўппи алоҳида ажралиб туради. Миллий бош кийимимиз — дўппининг бир қанча тури мавжуд. Қалампир нусхали дўппи нисбатан кенг тарқалган. Ҳунармандларимиз давом эттириб келаётган дўппидўзлик кўп асрлик тарихга эга. Юртимизда асосан унинг пахта, ипак, атлас ва бахмал матоларга ип билан ишлов бериб тикилган чўққили, конуссимон, думалоқ ҳамда тўртбурчак кўринишдаги намуналари учрайди.

"ДЎППИ — МИЛЛИЙ ҒУРУР РАМЗИ"

ЎзМТДП СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ШУ МАВЗУДА ФЕСТИВАЛЬ ТАШКИЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши, вилоят маданият бошқармаси ҳамда "Сурхон ипаги" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида Термиз шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда "Дўппи — миллий ғурур рамзи" мавзусида фестиваль бўлиб ўтди.

— Халқимиз дўппини миллий бош кийим сифатида ҳамиша ардоқлаб, эъзозлаб келган, — дейди ЎзМТДП вилоят кенгаши девон раҳбари Сайдулла Абдураимов. — Унда гўзал урф-одат ва анъаналаримиз мужассам бўлиб, ноёб санъат намунасига айланган. Зеро, халқимиз яқин кишисига "азиз бошинг омон бўлсин", деб дўппи совға қилишида ҳам чуқур маъно бор. Фестиваль ана шундай улуғ қадриятларимизни ёшлар ўртасида ҳам кенг намоён этиб, ҳам тарғиб қилишга қаратилгани билан барчада катта қизиқиш уйғотди. Бундан ташқари, тадбир воситасида асосий электоратимиз бўлган қадриятларимиз давомчилари — ҳунармандлар фаолияти қўллаб-қувватланди.

Тадбирда нафақат Сурхон воҳаси, балки юртимизнинг турли ҳудудига хос бошқа кўринишдаги дўппилар, қўшни давлатлар халқларининг бош кийимлари намуналари ҳам намойиш этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази талабалари ҳам қўшни мамлакатда тикилган ранг-баранг дўппилар билан иштирок этди.

— Бизнинг дўппиларимиз ҳам дунёнинг бошқа миллатлари бош кийимлари каби табиий иқлим, турмуш шароити, урф-одат ва анъаналар асосида шаклланган, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Сурхондарё вилояти бўйича ваколатли вакили Шуҳрат Ибрагимов. — Айниқса, дўппи ва чопонларимиз дунёнинг қай бурчагида бўлмасин, халқимизнинг бой маданий, маънавий меросини ўзида акс эттирган қадрият сифатида ҳар қандай кишининг ҳавасини келтириб, ўзига маҳлиё қилади. Бугунги фестиваль ана шундай миллий қадриятларимиз тараннумига бағишлангани билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг мазкур лойиҳа ва ташаббуси юртимизда туризмни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Бундай фестивалда биринчи бор иштирок этишим, — дейди Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази талабаси Худойназар Назарий. — Бизнинг юртимизда ҳам бош кийимларининг бир қанча тури мавжуд. Улар тоқин, кулоҳ, дўппи каби номлар билан юритилади. Асосан қўл меҳнати билан яратилган бош кийимларида ҳар бир вилоятга хос бўлган алоҳида шаклларни, рангларни кўриш мумкин. Бу ҳунар билан асосан аёллар шуғулланган боис унда нафислик ва гўзаллик яққол кўзга ташланади. Фестиваль менда ўзгача таассурот қолдирди.

Фестиваль доирасида кўрик-танлов ҳам ўтказилди. Унда жарқўрғонлик тадбиркор Дмитрий Инюшев олий ўринга сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази биринчи, Термиз шаҳридаги "Сурхон ипаги" масъулияти чекланган жамияти иккинчи, вилоят "Баркамол авлод" болалар маркази учинчи ўринни эгаллади.

Фестиваль якунида ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Баҳром НОРМУРОДОВ

Партия ва депутат ҳамкорлигида

ДЕПУТАТ УЧУН МАСАЛАНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишида сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти ҳақида атрофлича тўхталиб, улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижросида фаол иштирок этиши, депутатлик мақоми ва масъулиятини ошириш, кенг ваколатлар бериш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратган эди.

Дарҳақиқат, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари бўйича ташаббуслар билан чиқиш, аҳолини ўйлантириб келаётган долзарб ҳаётий масалаларни чуқур ўрганиш ва ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, партия гуруҳлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Партия дастурий мақсадлари, сайловолди Платформасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатиш, тегишли корхона, ташкилот ва мансабдор шахсларга фуқаролар манфаатларини ҳимоялаш юзасидан депутатлик сўровлари билан чиқиш, уларнинг ҳисоботини эшитиш, долзарб ҳудудий масалаларни маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритиш ва депутатлик назоратини олиб бориш энг муҳим вазифа саналади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Фарғона шаҳар кенгаши ходимлари, депутатлар ҳам аҳоли билан мулоқот қилиб, жойлардаги кўплаб муаммоларни бартараф этишга кўмаклашмоқда, одамларнинг оғири енгил, мушкули осон қилинаётир. Бунда, айниқса, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориш имкониятидан самарали фойдаланилмоқда.

— Аҳоли билан мулоқотлар чоғида кўчаларга тунги чироқлар ўрнатиш, ички йўлларни созлаш, спорт майдончалари барпо этиш каби масалалар кўтарилмоқда, беморлар ва ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаролардан турли масалаларда мурожаат бўлмоқда. Уларга мутасадди ташкилот ва ҳомийлар кўмагида ечим топилмоқда, — дейди ЎзМТДП Фарғона шаҳар кенгаши раиси Саидвали Юсупов. — Амалий мулоқотларни мунтазам ташкил этиш, аҳоли мурожаатларига қулоқ тутиш, уларнинг талаби ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бориш, амалий ёрдам кўрсатиш асосий вазифамизга айланган. Бу жараёнда партиямиздан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб боришга эътибор қаратяпмиз.

ЎзМТДП Фарғона шаҳар кенгаши фаоллари тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш борасида ҳам муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш, оилавий тадбирларни камхарж амалга ошириш юзасидан аҳоли орасида тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Ферузахон Ҳамалова ўзи сайланган 7-"Янгисой" сайлов округи ҳудудида яшовчи фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, уларни қийнаётган муаммоларнинг ижобий ечим топишида бор куч-ғайратини сарфламоқда. Яқинда партия вакиллари билан бирга олиб борилган ўрганишлар давомида ҳудуддаги 5-умумтаълим мактаби фаолияти билан танишилди. Мактаб маъмуриятининг мурожаатига биноан депутат саъй-ҳаракати билан таълим маскани биносига кузатув камераси ўрнатилди. Бу ўқувчиларнинг дарсга қатнашиш, таълим жараёни ва мактаб ҳудудини мунтазам назорат қилиш, рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда асқотиши шубҳасиз. Бундан ҳам мактаб маъмурияти, ҳам ота-оналар жуда миннатдор.

Шунингдек, айни пайтда, депутат ташаббуси билан "Янгийўл" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кўп қаватли 9 та уйни назорат қилиш учун кузатув камераларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

— Бугунги давр ҳар бир депутатдан электорат манфаати йўлида тинмай изланиш, бурч ва масъулиятни чуқур ҳис қилиб, фаоллик кўрсатишни тақозо этмоқда, — дейди халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутати Ферузахон Ҳамалова. — Шу боис халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларнинг фаолияти кундан-кунга такомиллашиб бормоқда: улар сайловчилар ишончини оқлашга, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилаётир. Бу саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, партия дастурий мақсад-вазифаларининг ҳаётга татбиқ этилишига, электорат манфаатлари таъминланишига, ҳудудларда ечимини кутаётган масалалар ўз вақтида ҳал бўлишига хизмат қилади.

ЎзМТДП Фарғона шаҳар кенгаши фаоллари тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш борасида ҳам муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада жамоатчилик назоратини ўрнатиш, оилавий тадбирларни камхарж амалга ошириш юзасидан аҳоли орасида тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Депутат — ўзи сайланган ҳудуд вакили. Шундай экан, унинг учун масаланинг катта-кичиги бўлмайди. Сайловчиларни қийнаётган, ўйлантираётган ҳар қандай муаммони ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш депутатнинг асосий вазифасидир. ЎзМТДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар амалга ошираётган бу каби амалий ишлар дастурий мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш, партиянинг мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда хайрихоҳлар сафининг янада кенгайишида муҳим аҳамият касб этади.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Уйма-уй" лойиҳаси — амалда

ЁШ ОИЛА САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

"Инсон манфаатлари барча нарсадан улуғ". Президентимиз илгари сурган бу гоя Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳудудий ташкилотлари ташкил этаётган қатор лойиҳаларда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши ташаббуси билан Поп туманининг Кўштепа маҳалласида яшовчи фуқароларнинг ижтимоий аҳволи, турмуш тарзини яқиндан ўрганиш ва уларга амалий кўмаклашиш мақсадида "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида очиқ мулоқот ташкил этилди. Унда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия вилоят кенгашининг "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" ҳамда Поп туман кенгаши фаоллари, туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари иштирок этди.

Лойиҳа доирасида маҳалладаги 20 хонадонга кирилиб, аҳоли мурожаатлари тингланди. Эътиборлиси, очиқ ва самимий мулоқотда кўтарилган бир қатор масалалар жойида ечим топди. Жумладан, 1984 йилда туғилган фуқаро Ўлмасой Абдухолиқова икки ойдан буён турмуш ўртоғи билан бирга яшамас, оиласи бузилиб кетиш арафасида экан. Бундан хабар топган ишчи гуруҳи вакиллари Ўлмасойнинг турмуш ўртоғи Бурҳонжон Бўстонов билан суҳбатлашди. Олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида бу муаммо ижобий ҳал этилиб, улар яраштирилди. Ёш оила сақлаб қолинди.

Бу йил 27 ёшга тўладиган Мирсаид Баҳромов айни вақтда ишсиз эканини, бироқ ўз томорқасида иссиқхона ташкил этиш нияти борлигини, бу борада амалий ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилди. Мирсаиднинг айтишича, агар унинг бу мақсади амалга ошса, қишлоқдаги олти тенгдоши ҳам ишли бўлар экан.

Халқ депутатлари туман Кенгашига партиядан сайланган депутат Ҳошияхон Турғунова ушбу масалани ижобий ҳал этиш бўйича "Агробанк" очиқ акциядорлик жамияти Поп туман бўлими раҳбарига депутатлик сўрови юборди. Агар ушбу ташаббус қўллаб-қувватланиб, ижобий ҳал этилса, Қўштепа маҳалласида янги иш ўринлари сони кўпаяди.

Лойиҳа доирасида маҳалладаги 20 хонадонга кирилиб, аҳоли мурожаатлари тингланди. Эътиборлиси, очиқ ва самимий мулоқотда кўтарилган бир қатор масалалар жойида ечим топди.

Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси, "Шодиёна тантаналар" масъулияти чекланган жамияти директори Зайниддин Ҳожи-Акбар юртимизда яратилаётган имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлантираётган тадбиркорлардан. Изланувчан ва ташаббускор, замон руҳини теран англайдиган малакали партия фаоли яқинда мазкур ҳудудда жойлашган ҳарбий қисмда ҳарбийлар учун умумий овқатланиш шохобчасини ташкил этди. Натижада 125 янги иш ўрни яратилди. Ишга қабул қилиш жараёнида ЎзМТДП вилоят ва туман ташкилотларига мурожаат қилган вақтинча ишсиз фуқаролар алоҳида эътиборга олинди: 115 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ўтказаётган "Уйма-уй" лойиҳаси доирасидаги очиқ мулоқотларда аҳолининг кўплаб муаммолари ижобий ҳал этилмоқда. Бундан кўринадики, кайфиятимиз, ҳаётдаги муваффақиятларимиз, ўзаро муносабатларимиз кўп жиҳатдан мулоқотга боғлиқ. Айни пайтда туман партия ташкилоти ҳамда депутатлик гуруҳи Қўштепа маҳалласида бўлиб ўтган "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида келиб тушган мурожаатларнинг ижросини таъминлаш юзасидан амалий саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бугуннинг гапи

КЛИПЛАРДАГИ "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ"

УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА БАДИИЙ КЕНГАШ ТУЗИЛДИ, БИРОҚ У ЮРИДИК КУЧГА ЭГАМИ?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Клип воқеалари қўшиқ матнидан ҳам "ўтиб тушган". Унда йигит севгилисига пицца олиб келади, яхши кўрган қизига дилидаги гапларни айтишга журъат тополмайди. Шунда унга деворга расми ёпиштирилган қидирувдаги шахс маслаҳат бера бошлайди. Сўнг йигит унинг гапи, йўл-йўриғи билан иш тутади. Клипни кўра туриб, унинг "ижодкорлари" ўзи нима демоқчи, қандай ғояни илгари сураётганини тушунмай қоласиз. Бир қарашда шунчаки енгил, ҳазилона тарзда яратилган қўшиқдек, аммо клип воқеаларида акс этган тасвирлар ёшлар онгига жиноятчининг гапига қулоқ солиш, унинг айтганини қилиш керак, деган ғояни зимдан сингдираётгандай таассурот туғдиради. Яъни, бу билан миллийлигимиз, менталитетимизга ёт бўлган ғоялар, "оммавий маданият"нинг яширин қиёфаси тарғиб қилинаётгандай, гўё.

Ҳаммамиз ёшлигимизда севиб мутолаа қилган Худойберди Тўхтабоевнинг "Сариқ девни миниб" асари қаҳрамони Ҳошимжоннинг саргузаштларини яхши эслаймиз. Ҳошимжон ўқимасдан туриб ҳам касб эгаллаш мумкинлигини исботламоқчи бўлади. Ҳатто шоир бўлиш илинжида бировнинг шеърини ўғирлаб, таҳририятга олиб борганида яхшигина дашном ҳам эшитади. Бугунги ёш хонандаларнинг тақдим этаётган "ижод намунаси"ни кузата туриб, худди замонавий Ҳошимжонлар кўз олдимизда гавдаланаверади. Кўпчилик санъаткорлар бировнинг мусиқасини ўғирлаб, плагиатлик билан ном қозона олмаслик, халқ меҳр-муҳаббати, ҳурматига шунчаки енгил-елпи, савиясиз ижод билан эмас, йиллар давомида пешона тери тўкилган меҳнат билан эришилишини ҳамон тушуниб етмаяпти. Ўзганинг насибасидан чўқилаган билан қорин тўйиб қолмаганидек, бошқалар меҳнатини шунчаки ўзлаштириш билан ҳам мақсадга етиб бўлмайди.

— Айрим клипларни оилавий томоша қилиб бўлмай қолди, — дейди янгийўллик уй бекаси Сурайё Абдуҳакимова. — Яқинда таниқли хонаданинг "Томчи" қўшиғига ишланган клипни томоша қилдим. Клип воқеаларида акс этган олий маълумотли, ақл-ҳуши жойида бўлган ўзбек қизининг севган йигит билан бир-бирига мушук боласидек суйкалган каби ҳолатлар, қизнинг йигити билан ресторанларда кўнгилхушлик қилиши тасвирланган. Албатта, бу каби клиплар ёқмаса, бу ҳақда жар солиш шарт эмас, шунчаки уни томоша қилманг, қабилида фикр билдирадиган инсонлар ҳам топилиши аниқ. Бироқ экран қаршисида ҳали ўз мустақил фикри, дунёқараши, ҳаётий тамойиллари шаклланиб улгурмаган ёшлар ҳам бор экани бу борада чуқур мушоҳада қилиш, фарзандларимизнинг эртанги куни, тақдирига бефарқ бўлмасликка чорлайди. Бундай клипларни кўргач, беихтиёр қизларимни зимдан кузатаман, ўша лавҳалар уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатишидан хавотирланаман. Ҳар томонлама мукаммал, савияли клиплар яратилишидан биринчи ўринда биз ота-оналар манфаатдормиз.

Куни кеча қўшнимнинг фарзанди ёшлар орасида анчайин танилган эстрада гуруҳининг бир қўшиғини ҳиргойи қилаётган экан:

Манга битта қиз керак, манга мос бўлиши керак,
Битта мошина керак уни ўраб олишга.
Манга битта қиз керак сандан зўр бўлиши керак,
Нечта мошина керак уни ўраб олишга?
Мактуба, Мактуба, Мактуба, Мактуба.

Мана, сизга ёшлар орасида "мода"га айланган яна бир қўшиқ, фарзандларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи яна бир кушанда. Унинг клипи сюжетини-ку айтмай қўяқолай. Бошидан охиригача "прикол кино" томоша қилаётгандек бўласиз. Қўшиқ бошланганидан сўнггина клип кўраётганингиз эсингизга тушади. Ва афсуски, қанча маблағ сарфланган, актёрлар жамоаси шакллантирилган, техника-ю, режиссёр ва операторнинг овора бўлгани қолибди, холос. Хўш, бунда ким айбдор? Албатта, энг аввало, хонаданинг ўзи. Бунинг учун, санъаткор билимли, маънавий дунёси бой, устоз кўрган бўлиши керак. "Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин", деган нақл бежиз айтилмаган. Ижрочи қўшиқ куйлашга ҳам руҳан, ҳам маънан тайёр эмас экан, бундай савиясиз қўшиқлар кўпайиб бораверади.

Жорий йилнинг 15 март куни "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси қошидаги қўшиқлар ва уларга ишланган видеоклиплар савиясини баҳолаш бадиий кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этдим. Унда санъаткорлар ўз ижод маҳсулларини бадиий кенгашга тақдим этди, қўшиқ ва уларга ишланган клиплар муҳокама қилинди. Кенгашда иштирок этган хонандалар ва клипмейкерларга кенгаш аъзолари ўз йўналишидан келиб чиқиб тегишли хулосаларни бердилар. Жумладан, хонанда Рухшона Маткаримова томонидан Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ғазали билан ижро қилинган "Фиғонким" қўшиғига ишланган клип муҳокамасида керакли тавсиялар берилди. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таваллудининг 160 йиллиги муносабати билан тайёрланган клипдаги тасвирларда Фурқат портретини яққол кўрсатиш, қўшиқ авжидаги нолаларни қайта ишлаш каби бир қатор керакли тавсия, таклифлар берилди.

Биз юқорида "Манго" гуруҳининг муҳокама қилган "Мактуба" қўшиғи Самарқанддаги Наврўз байрами сайлларида ижро этилди. Бадиий савиясиз қўшиқ талабга жавоб бермаса-да, қандай қилиб давлат миқёсида нишонланадиган байрамда жаранг сочмоқда? Савол туғилади: "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси қошида ташкил этилган қўшиқлар ва уларга ишланган видеоклиплар савиясини баҳолаш бадиий кенгашига қандай ваколат берилган, унинг хулосаси қай даражада амалий таъсир ва натижага эга? Агар унинг хулосаси ҳеч қандай ҳуқуқий таъсирга эга бўлмаса, унда бу кенгашга юридик ваколат бериш керак.

Аслида бадиий кенгаш белгиланган тартибда, меъёр талабларига амал қилган ҳолда ўтказилаётир, кенгаш аъзолари клипларга қўйилган меъёр нуқтаи назаридан ўз хулосасини бермоқда. Аммо миллий анъаналаримизга, ахлоқ-одоб қоидаларига уйғун бўлмаган қўшиқлар ва клиплар кенг тарқалишида хусусий телеканалларнинг ҳам анчайин "ҳиссаси" борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Хонанда клипи гарчи бадиий кенгаш томонидан рад этилган бўлса-да, эфир соатига белгиланган миқдордаги пулни тўлаганидан сўнг телеканалда бериб бориляпти. Демак, бундан кўриниб турибдики, хусусий телеканаллар мутасаддилари бадиий кенгашнинг хулосаси билан қизиқмаяпти. Демак, бадиий кенгаш хулосасини юридик таъсир кучига эга даражага кўтариш жоиз.

— Тўғри, бугун аксарият клиплар талаб даражасида эмас: мазмунан саёз, енгил-елпи қўшиқларга бир хил мавзули, аниқ сюжетли, тизимга солинмаган ва ғашга тегадиган даражада бачкана хатти-ҳаракатлар тасвирга олиниб, клип сифатида намойиш этиляпти, — дейди "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси масъул ходими Эшқул Ҳакимов. — Айрим телеканалларнинг асосий эфир вақтлари айнан мана шу мусиқа ва тасвир уйғунлашган композициялардан иборат бўлиб қолмоқда. Уларнинг баъзиларини кузата туриб, хонандалар томошабин эътиборини жалб этиш учун ҳатто халқимиз менталитетига зид, одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган ҳаракатлардан ҳам тап тортмаётганига гувоҳ бўляпмиз. Акс ҳолда, улар ўз клипларида тўшакда ётган ҳолда куйлаётгани ёки қўшиқ матнига мос бўлса-бўлмаса, ҳарир либосда, ёмғир остида ўзига ярашмаган ҳолда рақсга тушишини қандай изоҳлаш мумкин? Айрим клипларда эса ишқ можаролари очиқ саҳналарда ифода этилаётгани, айниқса, хавотирлидир. Йигит ва қизнинг очиқ-ошкора ишқий кечинмалари, қизнинг эътиборини қозониш учун йигит бачкана ва беўмани ҳаракатлар бажаришгача боришини экранга олиб чиқилишини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундай саёз лавҳалар, саҳна маданиятсизлиги ёшларнинг маънавий оламини жароҳатлаши, бадиий дидига соя солиши шубҳасиз.

Юқорида таъкидланганидек, шу йилнинг февраль ойидан бошлаб "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ҳузурида қўшиқлар ва уларга ишланган видеоклиплар савиясини баҳолаш бадиий кенгаши ўз ишини бошлади. Бадиий кенгаш миллий эстрада қўшиқчилик санъатида ижод қилаётган хонандалар, ижрочи ёшлар фаолиятига амалий ёрдам бериш, ижодий ишларга ҳар томонлама кўмаклашиш, қўшиқлар ва уларга ишланаётган видеоклипларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан савиясини ошириш ва кенг оммага тарғиб қилишдан мақсадида ташкил этилди.

Бадиий кенгаш қўшиқлар ва уларга ишланадиган видеоклиплар савиясини баҳолаш ва лицензия эгаларининг аризаларини кўриб чиқишда тақдим этилаётган видеоклипларда миллий қадриятларимиз, шарқона одоб-ахлоқ, анъана ва урф-одатларимизга мутлақо зид, бегона бўлган ғоялар, спиртли ичимликлар тарғиботи, уруш, қўпорувчиликкка майл уйғотувчи тасвирлар, ярим ялонғоч кийиниш, хосхоналарда ёнбошлаб қўшиқ куйлаш ҳолатлари, беҳаёликни тарғиб этувчи хатти-ҳаракатлар ва ёшларда шаҳвоний ҳирс уйғотувчи тасвир ва ҳолатларнинг акс этмаслигини таъминлайди.

Кенгаш таркиби шоир, бастакор, клипмейкер каби соҳа мутахассислари ва бир қатор давлат ташкилотларининг масъул ходимларидан ташкил топганлиги, албатта, қувонарли ҳол. Ҳозирда ҳар ойда ташкил этилаётган кенгашда соҳа мутахассислари тақдим этилган клипларга ўз муносабатини билдириб, талабга жавоб берадиган клиплар намойишига рухсат этиб, меъёрий талабларга жавоб бермайдиганини рад этмоқда. Демак, бу соҳа ривожида ҳам олға силжиш, биз кутган натижанинг яқин келажакда рўёбга чиқишига умид бор, дегани.

— Кенгаш тузилишидан асосий мақсад халқимизга ҳар томонлама етук қўшиқ ва клиплар тақдим этишдир, — дейди кенгаш раиси, шоир Нодир Жонузоқ. — Илгари кўшиқ тайёрланиб, унга енгил-елпи клип суратга олинарди ва намойишга бериларди. Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор деганидек, бунинг ҳам вақти келди. Энди ундай саёз, бачкана "ижод намуналари" халқимизга тақдим этилмайди. Бадиий савияси паст, халқимиз менталитетига, маънавиятига таъсир қиладиган клиплар намойиш этишнинг олди олинади. Бу билан озми-кўпми халқимиз, ёшларимиз онгига таъсир этаётган зарарли, "оммавий маданият"нинг яширин қиёфаси акс эттирилган, ёт ғоялар тарғиб қилинган қўшиқлардан ҳимоя қилган бўламиз. Кенгаш аъзолари ўз соҳасининг мутахассисларидир. Улар ўзининг йўналишидан келиб чиқиб клипларни баҳолайди ва барча меъёрий талабларга жавоб берадиган клипларга рухсат берилади.

"Ўзбекконцерт" давлат муассасасининг ушбу савобли, хайрли иши бироз бўлса-да кўнглимизни равшан қилди. Бироқ бадиий кенгашга ҳуқуқ ва ваколатлар бериш, уни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш зарур. Бунда, албатта, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббус кўрсатиши керак. Ана шундагина расман тасдиқланган бадиий кенгашга чин маънода хулоса бериш ваколати тақдим этилади. Токи улар адолат мезонларига амал қилган ҳолда иш олиб борсин, таъсир кучига эга бўлсин.

"Менга нима, сенга нима" қабилида лоқайдлик билан иш тутиш энди ярашмайди. Барчамиз бир бўлиб, нафақат бадиий кенгаш аъзолари, балки катта-ю кичик биргаликда савиясиз ва мазмунан саёз, енгил-елпи, аниқ сюжетли тизимга солинмаган, одоб-ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган "ижод намуналари"га қарши иммунитетни шакллантирмоғимиз керак. Кимки миллат тақдири, фарзанди тақдири, камолотига бефарқ эмас экан, албатта, қўлни қўлга бериб ҳаракат қилади. Зеро, куч — бирликда. Бир мушт бўлиб бирлашиб, миллатимизга бегона ҳар қандай зарарли ғояларга қарши курашиш мумкин.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Бир келиб-кетинг, қишлоғимизга..."

ЮРТ ОБОД — КЎНГИЛ ОБОД

Бугун қайси бир юртдошимиз билан гаплашманг, қишлоқларни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибордан мамнунлигини изҳор қилади. Бундай эзгу ишлар юртимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, фуқароларимизда бугунги ҳаётдан розилик, эртанги кунга мустаҳкам ишончни янада кучайтирмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 29 мартдаги "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги фармони, "Обод қишлоқ" дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳарида, аввало, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга оширишга замин яратмоқда. Дастурга мувофиқ 2018 йил сўнгига қадар мамлакатимизнинг 174 туманидаги 368 маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди тубдан янгиланади.

Дастурда уй-жойларнинг томи, ташқи кўриниши, ичимлик суви ва электр энергияси тармоқларини таъмирлаш, ён-атрофни ободонлаштириш, сизот сувлар сатҳини пасайтириш, қишлоқларни туман маркази билан боғлайдиган, қишлоқ ички йўллари ва пиёдалар йўлакларини барпо этиш, шунингдек, лизинг асосида замонавий автобуслар харид қилиб, қишлоқ ва туман маркази орасида транспорт қатновини йўлга қўйиш ва ушбу йўналишларда бекатлар барпо этиш назарда тутилган.

...Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғидан бошланган кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Нуробод туманининг олис Жом ва Гирдиқўрғон қишлоқларида ҳам кенг қулоч ёйди. Бугун ушбу ҳудуд кенг қурилиш майдонига айланган.

— Дастурга асосан, тумандаги "Жом" ва "Гирдиқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинларида бунёдкорлик ишлари олиб борилади, — дейди Нуробод тумани ҳокими Фахриддин Зоиров. — Хусусан, ижтимоий соҳа объектларида бир қатор амалий ишлар бажарилиши режалаштирилган. Ушбу қишлоқлардаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази атрофида замонавий истироҳат боғи, маҳалла марказлари, "Нуронийлар маскани", иккита мактабгача таълим муассасаси қурилмоқда. Хотира майдони, ёзги амфитеатр, музей ва бошқа иншоотлар бунёд этилиши кўзда тутилган. Жом қишлоғидаги 5,4 километр йўлга асфальт ётқизилиб, 22 километр ички йўллар текисланади. Ҳозирда йўл қурилиши корхоналари зарур техника воситалари ва ишчи кучини жалб этган. Бундан ташқари, қишлоқ ҳудудидаги касб-ҳунар коллежи ва умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари ҳам қайта таъмирдан чиқарилади. Деҳқон бозори замонавий архитектура талаблари асосида реконструкция қилинади. Гирдиқўрғон қишлоғини обод қилиш учун ҳам зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда дахлдор корхона ва ташкилотлар бириктирилди.

Албатта, уй-жой ва маиший шароитларни яратиш борасида айрим муаммолар сақланиб қолаётгани мазкур ҳудудларда яшаётган аҳолининг барча қатламини қониқтирмай келаётган эди. Шу мақсадда Жом қишлоғидаги 1 минг 65, Гирдиқўрғондаги 757 хонадон ҳолати ўрганилиб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. Дастлаб, барча уйлар хатловдан ўтказилиб, кадастр ҳужжатларини тайёрлашга киришилди. Хонадон эгаларига ўзлари яшаб турган уй-жойни замон талаблари даражасида таъмирлаш учун лойиҳалар тақдим этилди. Кам таъминланган ёки имконияти чекланган оилаларга вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, дахлдор корхона ва идоралар, тадбиркорлар ҳомийлик ёрдами кўрсатаётир.

"Жом" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 4 минг 500 хонадонда 30 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида иккита артезиан қудуғи қазилиб, сув миноралари ўрнатилмоқда. Мавжуд сув тармоқлари таъмирланиб, 500 метр масофага янги қувур ташлаш ишлари олиб борилмоқда. Электр энергияси тармоқларини модернизация қилиш, аҳолига суюлтирилган газ баллонларини мунтазам етказиб беришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси белгиланган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мингга яқин симёғоч, 15 та замонавий, кичик трансформатор ўрнатилади.

Жойлардаги бетартиб қурилган ва ҳудуднинг умумий манзарасига ярашмайдиган турар жойлар бугунги меъморчилик талабларига мослаштирилмоқда. Хусусан, қишлоқ ҳудудидан ўтувчи сой бўйида қурилган ўттизга яқин режасиз ва ноқонуний бинолар бошқа жойга кўчирилади. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, яъни уй-жойи бўлмаган ўндан ортиқ оила учун замонавий уй-жой қуриб берилиши кўзда тутилган. Шунингдек, 200 дан ортиқ оилага вилоят ҳокимлиги ва ҳомийлар кўмаги билан газ плитаси ва бошқа уй-рўзғор буюмлари берилди.

Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган янги "Обод қишлоқ" дастури жомликларнинг ҳам кайфиятини кўтариб бунёдкорлик ишларига чорламоқда. Илгари олис ва чекка ҳудуд деб ҳисобланган қишлоқларимиздаги шароит ва қулайликлар, давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани қишлоқ аҳолисини беҳад қувонтирмоқда.

— Қишлоқдаги ободлик одамлар ҳаёти, уларнинг туриш-турмуши, яшашга иштиёқида акс этади, — дейди меҳнат фахрийси Холбой Маҳатов. — Кўп йиллар Самарқанд шаҳрида яшаб, ўқитувчилик қилдим, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишладим. Шаҳардан қишлоққа қайтишга қарор қилганимда, рости, анча иккиландим. Боиси, ҳаммамиз ҳам фарзандларимизнинг яхши шарт-шароитларда яшаб, таълим-тарбия олишини исташимиз бор гап. Бугун қишлоғимизда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари, одамларнинг мақсад-интилишларини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Юртбошимиз ташаббуси билан бу ерда олиб борилаётган бундай улкан ҳажмдаги ишларга каттаю кичик ўзини дахлдор билиб, меҳнат қилмоқда. Ишончим комилки, бу сингари эзгу ишлар самарасида қишлоғимиз янада чирой очиб, жаннатмонанд юртимизнинг кўркам масканларидан бирига айланади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Нашр

ЯНГИ ҒОЯ ВА ИННОВАЦИЯ —

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ МЕЗОНИ

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг 2018 йил биринчи сони нашрдан чиқди.

Журналнинг "Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси — Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги муҳим тарихий ҳужжат" мақоласида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг илк бор Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига йўллаган Мурожаатномаси хусусида сўз боради. Унда Мурожаатномада назарда тутилган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани тараққий эттириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, ташқи сиёсат соҳасидаги асосий устувор йўналишларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш каби мақсад-вазифаларнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилган.

"Ҳаракатлар стратегияси: янги модернизация босқичи" деб номланган мақолада ушбу муҳим дастурий ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган. "Ўзбек модернизациясида янги босқични бошлаб берган Ҳаракатлар стратегияси ўзининг комплекс характери билан ҳам шу турдаги тараққиёт дастурларидан ажралиб туради. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган бешта устувор йўналиш республикамизнинг барча ҳудуди, ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳа ва тармоқларини қамраб олади", дейилади мақолада.

Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори Лола Саидованинг "Ўзбекистонда барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилиши ва таълим соҳасининг истиқболлари" мақоласида мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий тизими, давлат таълим стандартларининг қабул қилиниши, таълим тизимидаги ислоҳотлар, олий таълим тизимида масофавий ўқитиш тизимини жорий этишнинг аҳамияти хусусида сўз боради.

"Инсон ва ҳуқуқ" рукнидан ўрин олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Жаҳонгир Шириновнинг "Фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси ва таркиби" мақоласида фуқаролик жамияти институтлари таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, асосий мақсади даромад (фойда) олишга қаратилмаган бошқа нодавлат тузилмаларини ҳам киритиш масаласи назарда тутилган.

Журналнинг янги сонидан ўрин олган "Ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни" номли мақолада сиёсий партияларнинг жамиятдаги аҳамияти, ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокига доир фикр-мулоҳазаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Журналнинг мазкур сонида бугунги куннинг долзарб масалаларини қамраган яна кўплаб мақолалар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Ўз мухбиримиз

MILLIY TIKLANISH
15 (499) 2018 йил 11 апрель, чоршанба

Дипломатия тарихидан

АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ

ТАРИХИЙ АСОСГА ЭГА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Ғарбий девор хонанинг тўри ҳисобланиб, у ерда ҳукмдор Вархуманнинг тахтда ўтирган қиёфаси акс эттирилган. Бироқ, афсуски, ҳукмдорнинг сурати бизгача тўлиқ етиб келмаган. Унинг икки томонида турли мамлакатдан келган элчилар тасвирланади. Тадқиқотчилар фикрича, ғарбий деворга Чағониён давлатидан келган элчилар тасвири туширилган. Элчилар жуда башанг кийинган бўлиб, улардан бири либосининг пастки қисмида суғд ёзуви битилган. Тадқиқотчилар ушбу ёзувни ўрганиб чиқиб, унда ҳаққоний тарихий воқеалар акс этганини исботлашди. Ёзув мазмуни шундай: "Унаш уруғидан бўлган подшо Вархуман элчига яқинлашганида элчи сўз бошлади. "Мен — Чағониён девонхонасининг бошлиғи Пукар-зата, Чағониён ҳукмдори Туронтош номидан Самарқанд подшосига ҳурмат ва эҳтиромимни билдиргани келдим. О, улуғ ҳукмдор, мен Самарқанд топинчлари ва ёзувлари ҳақида яхши хабардорлигимга шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Мен Самарқанд ҳукмдорларига нисбатан ҳеч қандай ёмонлик қилмайман. Сизнинг умрингиз узоқ, осойишта бўлишини тилайман".

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, Чағониён элчисининг "Мен Самарқанд топинчлари ва ёзувлари ҳақида яхши хабардорман", деган гапида муҳим ишора мавжуд. Бу билан элчи: "мен ўз диний эътиқодим ва ёзувларимни бу ерда тарғиб қилиш фикридан йироқман", демоқда. Чунки ўша даврда Суғдда оташпарастлик, Чағониёнда эса буддавийлик дини ҳукм сурган.

Ғарбий деворда шунингдек, Чоч, Чин ва Гогирё (Корея)дан келган элчиларнинг ҳам тасвирлари туширилган. Уларнинг ҳар бири ўз миллий кийимида тасвирланган. Гогирёлик элчилар VII асрда анча қудратли бўлган қироллиқдан келган. Чизилган расмларда ҳиндистонлик элчилар тасвирини ҳам учратиш мумкин.

Расмлар таҳлили шуни кўрсатадики, Самарқанд VI-VII асрларда ўз куч-қудрати, иқтисоди ва маданияти билан Шарқ ва Ғарбда маълум ва машҳур бўлган. Буни Самарқанд ҳукмдори ҳузурига турли мамлакат элчилари ташриф буюргани яққол тасдиқлайди. Қолаверса, Шарқ ва Ғарб мамлакатларини камардек боғлаб турган Буюк ипак йўлининг тарихий чорраҳасида жойлашган Самарқанд бу йўлнинг ривожига улкан ҳисса қўшган. Буни суғд тили Буюк ипак йўлида халқаро тил вазифасини бажарганлиги ҳам яққол кўрсатиб турибди. Самарқандлик тижоратчилар бу йўлнинг ёқасига катта ва кичик шаҳарчалар барпо этиб, савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликни йўлга қўйган. Ҳозирги кунда дунёнинг турли йирик музейларида Самарқандда тайёрланган ипак матолар, гиламлар, заргарлик ва кулолчилик буюмлари жой олганлиги ҳам юқоридаги фикрни яна бир бор исботлайди. Бундан ташқари, самарқандлик машшоқ, бастакор, хонанда ва раққосаларнинг шону шуҳрати хориж мамлакатларида ҳам машҳур бўлган.

VI-VIII асрларда Хитойнинг машҳур шоирлари самарқандлик раққоса ва хонандаларга бағишлаб мадҳиялар ёзган. Хитойлик ҳайкалтарошлар уларнинг ҳайкалларини ишлаган. Самарқандда ясалган кўплаб чолғу асбоблари Хитой ва Кореяга тез тарқалиб кетгани ва асрлар ўтиб уларнинг миллий мусиқа асбобларига айлангани ҳам олимлар томонидан қайд этилган. Бунда, албатта, Самарқанд орқали ўтган Буюк ипак йўли муҳим аҳамият касб этган.

Темур ва темурийлар даврида ҳам элчилик алоқаларига катта эътибор қаратилган. Ўрта Ер денгизи соҳилларидан тортиб Буюк Хитой деворигача, Дашти қипчоқдан то Араб денгизи қирғоқларигача бўлган бепоён ҳудудни бирлаштирган Амир Темур салтанати шон-шуҳрати XIV-XV асрларда дунёнинг турли томонига ёйилган. Соҳибқироннинг оламшумул ҳарбий ғалабалари Шарқ ва Ғарб ҳукмдорларини доимо таҳликага солиб турган. Шу боис ўша давр ҳукмдорлари доим Амир Темур эътиборига сазовор бўлиш, у билан яқин алоқа ўрнатишга интилган.

Шарқ ва Ғарб давлатларидан йўлга чиққан элчилар ҳар доим Самарқандга тўхтаб ўтган. Тарихий маълумотларда келтирилишича, Амир Темур ҳузурига Хитой, Миср, Эрон, Олтин Ўрда, Туркия, Англия, Испания ва бошқа бир қанча давлат элчилари келган. Мактуб билан келган элчилар, албатта, Амир Темурнинг жавоб хатини олиб қайтган. Эътиборлиси, Самарқандга келган элчиларнинг барчаси тарих саҳифаларида муҳрланиб қолган.

Шулардан бири — Испания қироллиги элчиси Руи Гонсалес де Клавихо. Клавихонинг сафари Амир Темурнинг 1402 йилда Испанияга Хожа Муҳаммад қози бошчилигида юборган элчилигига жавобан амалга ошган. Тарихий манбаларда келтирилишича, XIV асрнинг 80-90-йилларида Темур давлатининг шон-шуҳрати Европа мамлакатларигача етиб боради. Англия, Франция, Испания ва Византия каби давлат ҳукмдорлари Амир Темур билан сиёсий ва иқтисодий, савдо муносабатлари ўрнатишга интилиб, улуғ жаҳонгир ҳузурига мунтазам равишда ўз элчиларини юбориб турган. Ўша йиллари Амир Темур билан Европа давлатлари ўртасидаги савдо ва сиёсий муносабатлар ниҳоятда ривож топган. Элчилик алоқаларига оид мактубларнинг айримлари бугун Британия музейи ва Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Татаристон ва бошқа мамлакатлар, шунингдек, бениҳоя бой Самарқанд салтанатининг ўз маҳсулотлари сотилади. Кўчанинг икки тарафига дўконлар қурилган бўлиб, ҳар бир дўкон олдида мармар билан қопланган юксак курсилар ўрнатилган. Дўконлар икки хонадан иборат. Кўчанинг тепаси гумбаз шаклида ёпилган бўлиб, ёруғлик тушиб турадиган туйнукчалари бор".

Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр, Хуросон билан қўшни давлатларнинг, хусусан, Хитойнинг савдо ҳамда элчилик алоқалари тўғрисида ҳам тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида Амир Темур Тошкент вилоятининг Чиноз қишлоғида қишлаб турганида, бу ерга Хитой элчилари келиб Соҳибқирон ҳузурида бўлгани, тортиқлар келтиргани, қабул самимий бўлгани ҳақида ёзилган. Асардаги бу лавҳа Амир Темур давлати билан Хитой ўртасидаги элчилик муносабатлари тарихидан сўзловчи ўша давр манбаларидаги ягона маълумотдир. 1388-1398 йилларда Хитойга Мовароуннаҳрдан тўққиз марта элчи боргани ва шундан 1395 йилгача бевосита Амир Темур номидан олти марта элчи юборилгани қайд этилган.

Хуршоҳ ибн Қубоднинг "Тарихи элчи Низомшоҳ" асарида ёзилганидек, Хитойнинг Амир Темур ва темурийлар давлати билан элчилик алоқаларида, асосан, иккита дипломат — Фу Ань ва Чэнь Чэннинг хизмати катта бўлган. Чунки улар ўз сафар хотираларини ёзиб борган ва бу қимматли манба бўлиб қолган. Чунончи, Хитой солномаси "Мин ши"да ёзилишича, Хитой императори 1395 йили Фу Ань бошчилигида Самарқандга — Амир Темур ҳузурига элчи юборган ва улар орқали император муҳри босилган махсус мактуб ҳам йўллаган. Бошқа бир солномада эса Фу Ань бошчилигидаги элчилар 1395 йили Хитойдан қайтаётган Амир Темур элчилари билан ҳамсафар бўлгани ҳақида айтилади.

Бундан ташқари, тарихчи Абдураззоқ Самарқандийнинг "Матлаий саъдайн ва мажмаи баҳрайн" асарида Ҳиротда Шоҳрух Мирзо, Самарқандда Мирзо Улуғбек ҳукмронлик қилган йиллардаги воқеалар анча батафсил ёритилган бўлиб, шулар сирасида Хитойга элчилар жўнатилиши билан боғлиқ тафсилотлар ҳам берилган. Демак, XIV аср охирларида Мовароуннаҳр билан Хитой ўртасида мунтазам савдо-элчилик алоқалари бўлган ва унинг шимолий бир тармоғи Тошкент шаҳри ва вилояти орқали ўтган. Яъни, Тошкент мазкур савдо-элчилик алоқаларида муҳим ўрин тутган.

"Афросиёб" музейида жамланган ва бизгача етиб келган ашёлар халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида чексиз

Клавихонинг элчилик кундалигида ўша вақтда Амир Темур қўл остидаги мамлакат, шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқининг кун кечириши, Темур ва унинг яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар, темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин Ўрда, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар, шубҳасиз, Туркистон заминининг ўша вақтдаги ижтимоий-сиёсий тарихи, ота-боболаримизнинг турмуш тарзини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Клавихо ўз кундалигида шундай ёзади: "Бу юрт дон-дун, мева-чева, парранда гўшти, ҳар хил гўшт, қўйингки, ҳамма нарсага бойдир. Самарқанд шаҳрида Хитой, Ҳиндистон, фахр-ифтихор туйғусини уйғотади. Деворларга чизилган элчиларнинг сурати ота-боболаримиз қадимда ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта ўрин тутганини яққол кўрсатиб турибди. Мазкур ҳамкорлик бугун ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса асрлар оша шаклланган анъаналар янги тўлқин ҳосил қилаётгани, юксак мавқега кўтарилаётганини англатади.

Комил РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди
Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий ғурур

Яқинда Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида ўтказилган кураш бўйича X Осиё чемпионатида мамлакатимиз спортчилари муваффақиятли иштирок этди.

КУРАШ ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДАСТУРИГА РАСМАН КИРИТИЛДИ

ЎзМТДП ФАОЛИ МУХЛИСА АБДУМАЛИКОВА МАЗКУР ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Осиё-Океания кураш конфедерацияси (КСАО) тақвимига кирувчи энг йирик мусобақада қитъамизнинг 20 дан зиёд мамлакатидан келган икки юздан ортиқ полвон 15 вазн тоифасида гиламга чиқди. Энг кўп иштирокчига (21 нафар) эга бўлган терма жамоамиз аъзолари Осиё чемпионатидан 10 олтин, 5 кумуш, 1 бронза, жами 16 медаль билан умумжамоа ҳисобида ғолиб чиқиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келди.

Қизғин ва муросасиз кечган кураш баҳсларида она Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Наманган давлат университети талабаси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" фаоли Мухлиса Абдумаликова 63 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритиб, қитъа чемпиони бўлди. Ҳиндистон, Туркманистон, Хитой Тайпейи, Эрон давлатларидан келган рақиблари курагини ерга теккизган полвон қизимиз финалда жамоадоши Дилдор Шерметовани ҳам мағлубиятга учратди.

Эътиборлиси шундаки, Мухлиса Абдумаликова шу йилнинг август-сентябрь ойларида Индонезияда бўладиган ёзги Осиё ўйинларида ўзбек кураши бўйича беллашувларда қатнашиш учун йўлланмани ҳам қўлга киритди.

...Янгиқўрғон туманининг олис тоғли ҳудуди — Заркент қишлоғида туғилган Мухлиса болалигидан миллий кураш билан шуғулланади. Тўғарак машғулотларида нафақат кураш, балки спортнинг бошқа турларида ҳам фаол қатнашган қизалоқ кураш бўйича 10 карра, дзюдо бўйича эса 3 карра, самбо бўйича 2 карра, белбоғли кураш бўйича 2 карра Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Наманган олимпия захиралари коллежидаги таҳсил Мухлиса учун чинакам маҳорат мактаби вазифасини ўтабгина қолмай, халқаро мусобақаларга ҳам катта йўл очди. 2012 йилнинг октябрь ойида Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказилган миллий кураш бўйича жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритган Мухлиса 2015 йилнинг апрель ойида Италиянинг Казерца шаҳрида

бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам барча рақибларини енгиб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Ўша йилнинг сентябрида Хитой Тайпейида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида эса 57 килограмм вазн тоифасида гиламга тушиб, қитъа чемпиони, деб топилди. 21 ёшли курашчи қиз 2016 йил ноябрь ойида Ҳиндистонда ўтказилган ўсмирлар иштирокидаги VIII жаҳон чемпионатида ўз вазн тоифасида жаҳон чемпиони деган шарафли номга муносиб кўрилиб, халқаро тоифадаги спорт устаси талабини ҳам муваффақиятли бажарди.

— Она Ватанимиз байроғи халқаро ареналарда баланд кўтарилса, давлатимиз мадҳияси янграса, машғулот ва мусобақанинг бутун машаққати ортга чекинади, — дейди Мухлиса Абдумаликова. — Мана шу ўй, мана шу ҳиссиёт мени ҳамиша олға ундайверади...

Мухлиса коллежни тугатгач, маълум муддат Наманган шаҳридаги яккакураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида мураббий сифатида фаолият юритди. Шогирдлари Меҳрибон Нуриддинова, Маржона Маҳмудова ва Элмира Исоқова мамлакат чемпионатида олтин медалларга эга чиқиб, устози билдирган ишончни оқлади.

Мухлиса айни пайтда Наманган давлат университетида таҳсил олиш билан бирга ўқиш ва спортдан вақт ажратиб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. У "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси сифатида партия томонидан ўтказиб келинаётган тадбирларда фаол қатнашади. Айниқса, миллий кураш бўйича ташкил этиладиган мусобақаларда унинг ёш спортчилар учун ўтказадиган маҳорат сабоқлари барчада бирдек қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон, Осиё ва жаҳон чемпиони Мухлиса Абдумаликованинг бу ютуқларида унинг биринчи устози, Янгиқўрғон туманидаги 47-умумтаълим мактаби мураббийси, республика тоифасидаги ҳакам Комилжон Бўтаев, мураббийлари Ҳусанбой Тўрабоев ва Арофат Азизованинг хизматлари катта.

— Интилганга толе ёр, деганларидек Мухлисада Барчиной-у Тўмарисларга хос хусусият, уларга муносиб ворис бўлишга интилиш ва иштиёқни илк машғулотлариданоқ сезганман, — дейди унинг биринчи устози Комилжон Бўтаев. — Шогирдимиз биз, устозлар билдирган ишончни аъло даражада оқлаб, нуфузли ареналарда энг юқори шоҳсупаларга кўтарилмоқда. Бу ота-она, мураббийлар ва унинг тенгқурлари учун катта шараф.

Мухлиса Абдумаликова ҳозирда Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзги Осиё ўйинларига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Унинг ҳам масъулиятли, ҳам ўзгачалиги шундаки, миллий кураш баҳслари мазкур нуфузли мусобақа дастурига илк бор киритилмоқда. У ана шу мусобақада Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, чемпионлик шоҳсупасини забт этишни мақсад қилган. Эзгу ниятларига эришиш йўлида тараддудга астойдил киришган спортчимизга омад ва муваффақият тилаймиз.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ижтимоий ҳимоя

"ҚАНОТИМ ЙЎҚ, ВАЛЕ УЧГАЙМЕН..."

Тақдир экан, Худойшукур қўлсиз дунёга келди. Оиласи унга инсонга хос метин ирода ва сабрнинг гўзал ифодасини англатадиган исм қўйди. Инсоннинг жисмоний ва руҳий қуввати бирлашса, ҳеч қандай ташқи омил унга тўғаноқ бўла олмас экан...

Саида Дўсжонова асли педагог, бутун ҳаётини фарзандига бағишлаган инсон. У фарзандидаги чекланган жисмоний имконият ўрнини билим, зукколик, юзага чиқадиган иқтидор билан бойитиш мумкинлигини исбот эта олган мушфиқ она. Худойшукур то 6 ёш, мактабга қабул қилингунига қадар онаси қўмагида савод чиқарди, қийналмай ўқийдиган, ўзи мустақил фикр юрита оладиган бўлди. Мактабда ҳам аъло баҳоларга ўқиши унинг тенгқурларидан қолишмаслиги, тиришқоқлиги ва ўз устида тинмай ишлашини кўрсатар эди.

Мамлакатимизда меҳнат қилиб, даромад топишга лаёқати чекланган, тақдирнинг оғир зарбаларига учраган, ногиронлиги бўлган инсонларга уларнинг бошқалардан кам бўлмай яшаши учун барча шарт-шароитни яратиб берилмоқда. 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони, 2017 йил 25 декабрдаги "2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги қарор инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунасидир.

Бу ҳақиқатларни Саида Дўсжонова ҳам, унинг ўғли Худойшукур ҳам теран англайди. Худойшукур билан суҳбатлашиш жараёнида унинг кайфиятидаги кўтаринкилик, ҳазил-мутойибага мойиллиги кўнгилни тоғдек кўтариб юборади.

— Тақдирни қаранг, расм чизишга болалигимдан қизиқиб қолганман, лекин унинг учун қўл керак-ку, — дейди Худойшукур. —Шунда қўлим бўлмаса, оёқларим бор-ку, деган фикр келди хаёлимга ва оёқларим билан расм чиза бошладим.

Унинг мўйқаламидан яралган суратларни томоша қила туриб, буни қайси таниқли рассом чизган экан, деган ўйга борасиз.

Худойшукур Ражабов мактаб таълимидан сўнг Республика рассомчилик коллежига қабул қилинади. Айнан мана шу ердаги таълим унинг иқтидори тўла намоён бўлишига катта туртки беради. У қатор танлов ва фестивалларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритади. Худойшукурдаги Худо юқтирган истеъдодни пайқаган Сарвар Фармонов кейинчалик у билан жиддий шуғуллана бошлайди.

— Худойшукур ўз устида тинимсиз ишлайди, хатоларини

тўғрилашга ҳаракат қилади, — дейди рассом Сарвар Фармонов. — Унинг кўнгил олами кенглиги, инсон ички кечинмаларини чуқур ҳис эта олиши, теран фикрлилиги чинакам истеъдод соҳиби эканидан далолат беради. Худойшукур ҳаётга катта умид ва муҳаббат билан қарайди. Бу ижодкор учун энг муҳим хусусият саналади.

Республика миқёсидаги танловларда муваффақиятли иштирок этиб келган Худойшукур Ражабов Алмати шаҳрининг 1200 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро фестивалда 2-ўринга лойиқ кўрилди. Бу унинг Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига грант асосида ўқишга қабул қилинишига имкон яратди. Худойшукур ҳозирда ушбу даргоҳда, дастгоҳлик ранг-тасвир йўналишида таҳсил олмоқда. Институт ётоқхонасидан у ва онаси учун алоҳида хона ажратилган.

Худойшукурдаги ҳаётга муҳаббат, яшаш завқи ҳар қандай кишини ҳайратга солади. У куннинг биринчи қисмида олийгоҳ таълими билан банд бўлса, иккинчи қисмида машғулотлар билан шуғулланиб, ўз устида иш олиб боради.

— Дарс ва машғулотлардан бўш пайтларим чет тилларини ўрганишга ҳаракат қиляпман, — дейди у. — Яна жисмоний машғулотларга ҳам қизиқаман. Мактабда ўқиб юрган пайтларимдан буён югуриш билан шуғулланаман. Бу энг завқли машғулотларимдан бири.

Худойшукурнинг бўёқлар ҳиди анқиб турган хонасидан чиқаётиб, кўнглим равшан тортди, инсон иродаси бежиз пўлатга қиёс қилинмаганига яна бир бор инондим. Беихтиёр хаёлимга шоирнинг "қанотим йўқ, вале учгаймен..." деган мисралари келди.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

КИТОБ САВДОСИДАН МИЛЛИАРДЕР БЎЛГАН ИНСОН

ДУНЁНИНГ ЭНГ БАДАВЛАТ КИШИСИ ЖЕФФ БЕЗОС ВА У АСОС СОЛГАН "AMAZON" КОМПАНИЯСИ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА



"Агар қандайдир қизиқарли иш бошлаган бўлсангиз, сизга, албатта, танқид тошлари отилади. Агар танқидни тўғри қабул қила олмасангиз, шунчаки қизиқарли ва янги ишга қўл урмаганингиз маъқул", деган эди "Amazon" компаниясининг (АҚШ) асосчиси Жефф Безос.

Безоснинг бу фикри биздаги "ишлайдиган одам хато қилади" ёки "мевали дарахтга тош отилади" деган нақлга ўхшаб кетади. Ҳамиша ўз олдига юксак мақсадлар қўйган, фақат олдинга интилган, хато қилишдан чўчимаган Жефф бугун дунёдаги энг бой инсонга, у асос солган "Amazon" эса Интернет бозорининг етакчи компанияларидан бирига айланди.

Болалик йиллари

Нью-Мексико штатидаги Альбукерк шаҳрида 1964 йил 12 январда Теодор (Тед) Йоргенсен ва Жаклин Гиз оиласида чақалоқ дунёга келади. Унга яхши ниятлар билан Жефф, деб исм қўйишади. Ёш оила шаҳардаги Сут-Ист-Хайт округидан ижарага уй олиб яшай бошлайди. Теодор мамлакат бўйлаб ўтказиладиган цирк томошаларида қатнашар, бироқ бу рўзғор тебратишга етмасди. Шу боис Теодор дўконлардан бирига ишга киради. Бироқ ёш ота-она оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги барибир ўз таъсирини ўтказади. Ҳаётнинг паст-баланди, аччиқ-чучугига чидолмаган Теодор ичкиликка ружу қўяди, кечалари уйга келмайдиган одат чиқаради. Бундай ташвишлар, асабий зўриқишлар боис Жаклин болани олиб, ота-онасининг уйига қайтади.

Ва охир-оқибат оилавий муносабатга дарз кетади — Жефф ўн етти ойлигида Жаклин ва Теодор ажрашади. Боши очиқ ёш жувон бир неча йилдан кейин асли кубалик Мигель Безосни учратади. Мигель 1968 йилда Нью-Мексико университетини тамомлагач, улар турмуш қуриб, Жеффни бирга катта қилишади. Тўрт ёшли бола ўгай отанинг фамилиясига ўтади. Кейинчалик Безослар оиласи Хьюстон шаҳрига кўчади. Мигель шаҳардаги "Exxon" компаниясига ишга киради. Орадан бироз муддат ўтгач, уларнинг оиласида яна бир қиз ва ўғил — Кристина ва Марк туғилади.

Жефф ўн ёшга тўлганидагина Мигель Безос унинг ҳақиқий отаси эмаслигидан хабар топади. Унинг ҳақиқий отаси Теодор Йоргенсен эса орадан анча вақт ўтгач, яъни Жеффни бутун дунё танигандан сўнг — ёзувчи Брэд Стоун Безоснинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида китоб ёзиш жараёнида интервью олиш учун у билан учрашганида ўғли миллиардер бўлиб кетганидан воқиф бўлади...

Муваффақият пиллапоялари

Безос аввал Хьюстондаги " River Oaks" мактабида, оиласи билан Майамига кўчиб ўтгач, ўша ердаги "Пальметто" мактабида ўқишни давом эттиради. Мактабда аъло баҳоларга ўқигани учун битирув кечасида хайрлашув сўзи унга топширилади. Қолаверса, у штат миқёсидаги нуфузли "Кумуш рицар" мукофоти билан ҳам тақдирланади. Жефф Безос 1986 йилда Принстон университетини ҳам имтиёзли диплом билан тамомлаб, оптик толали кабеллар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи "Fitel" компаниясига ишга киради. Орадан бироз муддат ўтгач, "Bankers Trust" деб номланган ташкилотда ишлай бошлайди. Шундан сўнг у "D. E. Shaw" хеж-фондида ўз фаолиятини давом эттиради. Мазкур компанияга 1988 йилда Колумбия университетида фаолият кўрсатган, профессор Дэвид Шоу асос солганди. Бошқа фондлардан фарқли равишда бу ташкилот бозорни тадқиқ этишда математик усуллардан фойдаланар, шу боис молиячилар эмас, математик ва компьютер технологиялари бўйича мутахассисларни ишга қабул қиларди. Жефф эса бу соҳани чуқур биладиган мутахассислардан эди. Интилувчан Безос 1993 йилда компаниянинг вице-президенти даражасига кўтарилади. Бу пайтда у 29 ёшда эди.

Ўша пайтдан бошлаб Интернет кенг оммалаша бошлади. Шу боис Безосда онлайн-дўкон очиш ва бунинг учун компания тузиш ғояси туғилади. Жефф компанияни мамлакатнинг қайси шаҳрида рўйхатдан ўтказиш масаласида бироз ўйланиб қолади. Шунда Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳри яқинида истиқомат қилган унинг яқин бир дўсти Безоснинг компаниясига маблағ ажратиш, маҳаллий ҳуқуқшунос, банкир ва бошқа амалдорлар билан учраштиришни ваъда беради. Безос унинг таклифини қабул қилади ва 1994 йилнинг 6 июлида "Cadabra" компаниясига асос солади. Бу ном сеҳргарлар фойдаланадиган "абракадабра" сўзидан олинган эди. Бироқ кейинчалик Безос компанияга янада жаранглироқ ном қўйишга қарор қилади. У ҳам худди "Apple" атамаси каби ҳамманинг эътиборини торта оладиган бўлиши керак эди. Шу боис луғатни очиб, алифбодаги биринчи ҳарф билан бошланувчи сўзларга кўз югуртириб, охири "Амазонка" деган сўзга тўхталади. Амазонка Жанубий Америкада жойлашган дунёдаги энг серсув дарёнинг номи бўлиб, у бу атама компания учун ҳар жиҳатдан мос келади, деб ҳисоблайди. Сўз охиридаги "к" ва "а" ҳарфларидан воз кечиб, компанияни "Amazon" деб номлайди.

Ёш тадбиркор ҳали катта маблағга эга бўлмагани боис Сиэтл шаҳридаги гаражлардан бирида камтарона офис очади. У эшикдан қўлбола қилиб тайёрланган эски столлар ҳамда бир нечта компьютер билан жиҳозланганди (ҳатто бугун ҳам компания офисида эшикдан ясалган столлардан фойдаланилади. Бу маблағни иқтисод қилиш учун эмас, балки ходимларга тежамкорлик ҳақида эслатиб туриш учун). Иш бошлаш учун дастлаб ота-онасидан 300 минг доллар маблағ олган Жефф одамлар Интернетдан нималар харид қилиши мумкинлиги ҳақида бош қотира бошлайди. Энг зарур буюмлар рўйхатини тузиб чиқади. Бироқ Жефф улар ичидан энг яхшисини, унга фойда келтирадиганини танлаши лозим эди. Ва узоқ мушоҳададан сўнг у китобга тўхталади. Китоб сифати бузилмайдиган, у қадар оғир бўлмаган, буюртмачига етказишда ҳар жиҳатдан қулай маҳсулот эди. 1995 йилнинг 16 июлида Amazon.com сайти ишга туширилиб, буюртма қабул қилина бошланди. Сайт орқали илк харид ўша йили амалга ошади. Ўша пайтда "Amazon"нинг маълумотлар базасида миллионлаб китобларнинг номлари бор эди. Бироқ компанияда китобнинг ўзи йўқ эди. Шу боис у Интернет орқали буюртмаларни қабул қилиб, рўйхатни ҳамкорлик ўрнатган нашриётларга юборарди, улардан эса китобларни қабул қилиб оларди. Аста-секин иши юришиб буюртмалар



борган сари ошиб бораверди. Компания ходимлари кун бўйи Интернетда буюртмаларни рўйхатга олиш, кечаси эса омборхонада китобларни қабул қилиш, уларни компаниянинг махсус қутиларига жойлаш ва буюртмачиларга етказиш билан шуғулланарди. Буюртма қилиш учун сайтдаги нашрлардан кераклисини танлаш, кредит карта рақамини киритиш (телефон орқали операторга оғзаки айтиш имконияти ҳам бор эди) ҳамда етказиб берилган китоб учун тўловни амалга ошириш талаб этиларди.

Орадан кўп ўтмай, Интернет-дўкон ҳафтасига қарийб 20 минг долларлик китоб сота бошлади. Рақобатчи китоб дўконлари орасида "ҳеч бир Интернет-дўкон, ҳақиқий китоб дўкони ўрнини боса олмайди", "китоб дўконларини айланиб, улардан таралаётган исни ҳис қилгандек муҳитни ярата олмайди" деганлар ҳам топилди. Бироқ рақобатчиларнинг фикри ўзини оқламади. Икки йилдан сўнг — 1997 йилда Amazon.com тармоқлари АҚШнинг барча штатлари ҳамда дунёнинг 160 та мамлакатига китоб етказадиган йирик компанияга айланади. Ўша йили унинг акциялари Нью-Йорк биржасида савдо қилина бошлайди. 1999 йилда Жефф Безосни "Time" журнали "Йил одами" сифатида эътироф этади.

Безос 2000 йилда "Blue Origin" аэрокосмик компаниясига асос солди. 1998 йилда "Google" компаниясига 250 миллион доллар сармоя киритиб, унинг йирик акциядорларидан бирига айланади. 2013 йилда эса 250 миллион доллар эвазига "The Washington Post" нашриёт-уйини сотиб олади.

Узоқ йиллардан буён дунёдаги энг бадавлат инсон, деган номга сазовор бўлиб келган Билл Гейтс ўтган йили бу мақомни Жефф Безосга бой берди — Безоснинг бойлиги 93,1 миллиард долларга баҳоланганди. Ҳозирда эса унинг бойлиги 124 миллиард долларга етди.

"Work-life balance" — иш ва ҳаёт мувозанати

Безос нафақат омадли, балки серқирра шахс, айни пайтда ўта камтар инсон. Жефф Безоснинг бугун юксак чўққиларни забт этиб, дунёдаги энг бой тадбиркорга айланишида ҳаёт йўлларида унга ҳамроҳ бўлган турмуш ўртоғи Маккензи Таттл (Безос)нинг алоҳида ўрни бор. Жефф қўлга киритган ютуқларга маълум маънода рафиқасининг маънавий кўмаги, қўллаб-қувватлаши муҳим роль ўйнаганини инкор этмайди. Безос "D. E. Shaw" компанияда ишлаб юрган пайтлари шу ташкилотда ишлаган Маккензи Таттл (ҳозирда ёзувчи) билан танишиб қолади. 1993 йилда улар турмуш қуради. Суҳбатлардан бирида тан олишича, Жефф Маккензини учратгунига қадар бир неча бор уйланиш ниятида гоҳ ўзининг хоҳиши, гоҳ яқинлари қистови билан қизлар билан учрашувларга чиққан. Бироқ ҳаммаси омадсиз якунланган. Кейинчалик маълум бўладики, ўз дунёқарашига мос, алоҳида сифатларга эга — санъатга ошуфта ва қобилиятли аёлни излаган. ***"Ҳаётимда мени иккинчи даражали одамлар қаторидан олиб чиқа оладиган, менга ғоя ва илҳом бера оладиган ва уни рўёбга чиқаришда кўмаклашадиган аёл зарур эди. Маккензи билан бир-биримизни бир оғиз сўз билан тушунамиз. У қобилиятли ва мен излаган аёл".***

Безос ҳар бир ишга навбат билан ёндашишни хуш кўради: ***"Мен ҳар бир ишга навбат билан ёндашаман. Агар дўстларим ёки оилам билан тушлик қилсам — овқатланаман. Агар электрон почтамга назар ташласам — ўқийман. Бирор иш қилаётган бўлсам, бошқа бир нарсага чалғишни хоҳламайман",*** деганди Безос.

Ҳар бир инсон икки хил ҳаёт йўлидан бирини танлайди. Биринчиси — хавфсиз, қулай ва бир маромдаги ҳаёт йўли. Иккинчиси, таваккалчилик асосига қурилган — юқорилаш ва қуйига оғиш, бир сўз билан айтганда, тажрибадан иборат мураккаб ҳаёт йўли. Безос иккинчи тоифага мансуб инсонлардан.

Жефф 1994 йилда "D. E. Shaw" компаниясида вице-президент лавозимида ишларди. Бу ҳар жиҳатдан қулай ва даромадбоп иш эди. У келажагини ана шу ишга бағишласа ҳам бўларди. Бироқ кунлардан бир кун у ташкилот раҳбарига ишдан бўшамоқчилигини, Интернет-дўкон очиш ниятида эканини айтганида, раҳбар унга ***"Бу чиндан ҳам яхши ғоя. Фақат у сендаги сингари иш ва мавқе эгаси бўлмаганлар учун яхши бўлиши мумкин. Наҳотки шундай ишингни ташлаб кетмоқчисан?"***, дейди ва унга яхшилаб ўйлаш учун вақт беради. Жефф эса аёли билан маслаҳатлашиб, ишдан бўшашга қарор қилади.

Безос нима учун бу қарорга келганини шундай изоҳлайди: ***"...Интернет имкониятлари кенглигини англагач, менинг ҳаётимни айнан у бутунлай ўзгартира олишини тушундим. Фақат унинг имкониятларидан унумли фойдаланиш талаб этиларди. Агар бу йўлда мағлуб бўлганимда ҳам бу соҳада ўзимни синаб кўрмаганимга нисбатан ўзимни-ўзим камроқ койиган бўлардим".***

Агар "Amazon" компанияси касодга учрагудек бўлса, Жефф нима иш қилган бўларди, деган саволга унинг ҳамиша иккита жавоби бор: биринчиси: ***"Катта эҳтимол билан дастурчи бўлардим. Менга ҳаммасини нолдан бошлаш муаммо эмас",*** дейди. Иккинчиси: ***"Менда бармен бўлишга етарлича қобилият бор. Яхши бармен бўлишим мумкин. Менга коктейль тайёрлаш ёқади, бунга санъаткорона ёндаша оламан...".***

Безос — "work-life balance" (иш ва ҳаёт мувозанати) концепцияси тарафдори: ***"Мен бу жумлада "мувозанат"дан кўра "уйғунлик" деган сўзни маъқул деб ҳисоблайман. Иш ва шахсий ҳаёт бир-биридан мустақил бўлиши ва бир вақтнинг ўзида бир-бирини тўлдириши керак. Агар уйда бахтли бўлсам, бу мени ишда яхши ходим, яхши раҳбар бўлишимга туртки бўлади. Борди-ю, ишда ўзимга нисбатан талабчан бўлиб, самарали ишлашга ҳаракат қилсам, бу мени оилада яхши ота ва турмуш ўртоқ бўлишимга ёрдам беради".***

Энг севимли ва инновацион компания

Компания офиси АҚШнинг Сиэтл шаҳрида жойлашган бўлиб, бугунги кунда унинг тизимида 540 мингдан зиёд киши ишламоқда. Компания дунёдаги энг инновацион компаниялар рўйхатида 13-ўринни эгаллаб турибди. Ўтган йили "The Verge" журнали олиб борган сўровномага кўра, "Amazon" АҚШдаги энг севимли компания, деб топилди. Аввалига компания фақат китоблар сотиш билан шуғулланган бўлса, 1998 йилдан бошлаб мусиқа ёзилган дисклар, ўша йилнинг ноябрь ойидан видеомаҳсулотлар сота бошлади. Кейинчалик маҳсулотлар қамрови кенгайиб, MP3-ёзувлар, дастурий таъминот, видеоўйинлар, электроника воситалари, кийим-кечак, мебель, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ўйинчоқларни ҳам онлайн тарзда сотишга ўтилди. 2007 йилда компания китобларни электрон тарзда ўқиш мумкин бўлган махсус "Kindle", 2010 йилдан бошлаб смартфон орқали масофадан туриб бошқариш имконияти мавжуд бўлган "Amazon Echo" деб номланган цилиндр шаклидаги "ақлли"-карнай, 2014 йилдан эътиборан "Fire Phone" смартфонини ҳам ишлаб чиқара бошлади. Компаниянинг 2017 йилги даромади жами 3,033 миллиард долларга етди.

"Amazon" — биринчилардан бўлиб Интернет имкониятларидан самарали фойдалана олган компания. Бугун Amazon.com онлайн савдоларни амалга ошириш учун йирик майдон, унинг сайти энг оммавий сайтлардан бирига айланди. Компания нафақат ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот, балки турли компания, корхона, дўконлар билан тузилган шартномалар асосида уларнинг маҳсулотларини сотишдан ҳам катта фойда кўради. Мижозлар дўконма-дўкон юриб, вақтини бекорга сарфламай, ўтирган жойидан сайтга кириб исталган буюмга буюртма бериши, қисқа фурсатларда уни харид қилиши мумкин. Сайтда мебель, электроникадан тортиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг расми, кўрсаткичлари, нарх-навоси жойлаштирилган. Компаниядан маҳсулот харид қилиш учун аввал сайт рўйхатидан ўтилади, кейин харид қилмоқчи бўлган буюм номи ёзилиб, сўнг кредит карта рақами, манзил номи киритилади. Компания харид расмийлаштирилганидан сўнг мижознинг картасидан маблағни бирданига эмас, балки маҳсулот мижозга етказилганидан сўнг ечиб олади. Компания сайтига исталган киши ўз муаллифлигидаги китобнинг электрон нусхасини жойлаштириши мумкин. Фақат китоб нархи 2 доллардан кам, 9 доллардан юқори бўлмаслиги лозим. Компания ҳар бир сотилган электрон китобдан тушган маблағнинг 70 фоизини муаллиф ҳисоб рақамига ўтказади. Бундан ҳам компания, ҳам сайтга китобини жойлаштирган муаллиф фойда кўради.

"Amazon"нинг Бразилия, Канада, Буюк Британия, Германия, Япония, Франция, Италия, Испания, Ҳиндистон ва Хитойда филиаллари фаолият кўрсатади. Бугун компания ҳар куни 4 мингтача буюртмани ўз манзилига етказмоқда.

Компания маҳсулотларни сақлаш, қадоқлаш ҳамда уларни етказиш бўйича замонавий логистика тизимини йўлга қўйган. Унинг буюртмаларни амалга ошириш пункти одатий омборхоналардан анча катта. Бу ерда буюртмалар йиғилади, сараланади, қадоқланади ҳамда сўралган манзилга етказилади. "Amazon" 180 омборхона, 28 та маҳсулотларни саралаш маркази, 59 маҳаллий етказиш пункти, "Prime Now" лойиҳаси доирасида маҳсулотни икки соатда етказиб берувчи 65 станцияга эга. Бундан ташқари, компания тизимида 4 мингдан зиёд юк машиналари, ижара асосида эса 20 самолётдан фойдаланилади. 2012 йилда "Amazon" 775 миллион долларга робот ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Kiva Systems" компаниясини сотиб олди. Бугунги кунда компания тизимида 100 мингдан зиёд ана шундай роботлардан фойдаланилмоқда. Улар омборхоналардаги ишни енгиллатиш имконини бермоқда. Маҳсулотлар узоқ манзилларга самолёт ва кемалар воситасида етказилади.

Интернет-дўконга асос солиб, дунёдаги энг бадавлат инсонга айланган Жефф Безос эришилган муваффақиятлари билан кифояланиб қолмоқчи эмас. У ўз олдига янги ва юксак мақсадлар қўйган. Жефф яқин келажакда коинот сайёҳлигини ташкил этиш, оддий одамларни коинотга олиб чиқиш ҳақида бош қотирмоқда. Унга тегишли "Blue Origin" компанияси бирданига олти нафар йўловчини 100 километр баландликка қадар олиб чиқа оладиган "New Shepard" деб номланган фазовий кемалар ишлаб чиқариш устида иш олиб боряпти. Яқин келажакда ана шу лойиҳа ҳам амалга ошиб, оддий одамлар коинот бўйлаб саёҳат қилса, ажаб эмас.

Рангин дунё

Лондон шаҳридаги "Стэмфорд Бриж" стадиони нафақат Буюк Британия, балки Европадаги энг кўркам ва машҳур спорт иншоотларидан саналади. У катталиги жиҳатидан Лондон шаҳридаги "Уэмбли" ҳамда "Эмирейтс" ўйингоҳларидан кейинги ўринда туради. Унда Лондоннинг "Челси" жамоаси ўзининг мезбон сифатидаги ўйинларини ўтказади.

ҚАДИМИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛАШГАН ЎЙИНГОҲ

Стадионнинг бундай аталгани бежиз эмас. XVIII асрда ҳозирда стадион жойлашган ҳудуд яқинидан Стэнфорд деб аталган анҳор оқиб ўтган ҳамда Темза дарёсига қуйилган. Ҳозирда бу ердан темир йўл ўтказилган. Кингз Роуд туманида анҳор устида қурилган кўприк эса Стэнбридж (тошкўприк) деб аталган. Стадион номи ана шу икки сўзнинг қоришиғидан пайдо бўлган.

Стадион 1877 йилда меъмор Арчибальд Литч лойиҳаси асосида қурилган. Унда 28 йил мобайнида енгил атлетика мусобақалари ўтказиб келинган. 1904 йилда ака-ука Гас ҳамда Жозеф стадионни сотиб олади. Улар аввал Лондоннинг "Фулхем" жамоасига ўйингоҳдан фойдаланишни таклиф қилишади. Бироқ клуб бу таклифни рад этади. Натижада янги ташкил топган "Челси" жамоаси 1905 йилдан бошлаб ўзининг мезбон сифатидаги ўйинларини ушбу стадионда ўтказа бошлайди. Стадион дастлаб 110 метрли томошагоҳга эга бўлган, 5 минг томошабинни сиғдира олган. Ўйингоҳнинг бошқа томошагоҳлари сал кейинроқ бунёд этилади. 25 йил давомида стадион деярли таъмирланмаган. Фақат 1930 йилга келиб унинг жанубий томошагоҳида томошабинларни қуёш нури ҳамда ёмғирдан асрайдиган айвон қурилади. Бугун "Шед Энд" деб аталадиган ушбу томошагоҳда 1994 йилда таъмирлаш ишлари олиб борилди: ўйинни турган ҳолда томоша қилинадиган жойларига ҳам ўриндиқлар ўрнатиб чиқилди. 1939 йилда шимолий томошагоҳ бунёд этилади, томошабинлар сони янада ошади.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида клуб инқироз ёқасига келиб қолади. Клуб эгалари қарзлардан қутулиш учун стадионни қурилиш компанияларига сотиб юбормоқчи бўлади, унинг ўрнида уй-жой ҳамда дўконлар қурилиши режалаштирилади. Бироқ клуб Президенти Кен Бейтс стадионни сақлаб қолиш, молиявий қийинчиликни енгиб ўтиш учун деярли ўн йил курашди. Унинг саъй-ҳаракатлари охир-оқибат ўз натижасини кўрсатди. Стадион 1992 йилда яна клубга қайтарилди.

Бугунги кунда стадион тўрт томошагоҳга эга бўлиб, 41 минг 841 томошабинни сиғдиради. "Мэтью Хардинг Стэнд" деб номланган томошагоҳ аввал шимолий трибуна деб аталган. У клубнинг собиқ директори Мэтью Хардинг шарафига шундай номланган. Томошагоҳ икки қаватли бўлиб, 10 минг 888 томошабинни сиғдира олади.

Шарқий томошагоҳ 10 минг 925 томошабинга мўлжалланган. Унинг қуйи қисми меҳмон жамоаларнинг мухлисларига ажратилган эди. Бироқ жамоанинг ўша пайтдаги бош мураббийи Жозе Моуринью клуб маъмуриятига мурожаат қилиб, томошагоҳнинг бу қисмини мезбон мухлисларга ажратиш лозимлигини, бу жамоанинг руҳиятини кўтариши ва ғалабаларга чорлашини айтади. Шу тариқа 2005-2006 йилги мавсумдан бошлаб у мезбон жамоанинг ашаддий мухлисларига ажратилди. Трибуна уч қаватли бўлиб, унда футболчиларни майдонга олиб чиқадиган туннель, мураббийлар штаби, кийим алмаштириш хонаси, конференц-зал, матбуот маркази ҳамда шарҳловчилар хонаси жойлашган. Уни ўйингоҳнинг "юраги" дейиш мумкин. Чунки иншоотнинг муҳим инфраструктураси унинг шу қисмида жойлашган. Қолаверса, томошагоҳ стадионнинг марказидалиги учун ўйинни бу ердан томоша қилиш қулай.

Ғарбий томошагоҳ уч қаватли бўлиб, 13 минг 500 кишига мўлжалланган. "Шед Энд" деб номланган томошагоҳ эса 6 минг 831 томошабинни сиғдира олади: у яшил майдоннинг жанубий қисмидан ўрин олган. Трибунанинг остки қисми меҳмон жамоалар томошабинларига ажратилган.

2005 йилда клуб ташкил этилганига 100 йил тўлиши муносабати билан стадионда "Юз йилликни қамраган музей" ташкил этилган. Унда клуб тарихи ва фаолиятига доир ноёб ва антиқа буюмлар сақланади.

Саҳифани "Milliy tiklanish" шарҳловчиси Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
15 (499) 2018 йил 11 апрель, чоршанба

Президент ташрифидан сўнг...

СУРХОН ИПАГИДАН ГИЛАМ ТЎҚИЛЯПТИ

Ўзбекистонда ипакчиликнинг ривожланиши узоқ тарихга эга. Юртимиз жанубида, Фарғона водийсида ҳамда Зарафшон дарёси атрофида ипакчилик ва пилла йигириш амалиёти 4 минг йил аввал ҳам мавжуд бўлгани тўғрисида маълумотлар бор. Бугунги кунда Ўзбекистон ипак толаси ишлаб чиқариш бўйича Хитой ва Ҳиндистондан кейин дунёда 3-ўринни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1-ўринни эгаллайди. Таъкидлаш жоиз, тинимсиз изланиш ва соҳа мутахассислари саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда ўтган йили илк бор пилладан уч марта ҳосил олишга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги "Ўзбекипаксаноат" уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда шу йилнинг 19-20 январь кунлари Сурхондарёга ташрифи чоғида берган тавсиялари соҳа ривожида янги истиқболли имкониятлар эшигини очди. Қарорда белгиланганидек, республикамизда пиллачиликнинг озуқа захирасини жадал ривожлантириш, ипак қуртини парвариш қилиш ва пилла етиштириш жараёнларини узлуксиз такомиллаштириш, пилла, хом ипак, ипак калава ишлаб чиқариш ва уларни чуқур қайта ишлашнинг самарали усулларини кенг жорий этиш, ипакдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини оширишни таъминлайдиган ягона ва яхлит ташкилий-технологик тизимни барпо этиш асосида пиллачилик тармоғини комплекс ривожлантириш устувор вазифаларга айланди. Шу мақсадда Сурхондарёда "Жанубипаксаноат", "Пилла" ҳудудий бирлашмаси негизида ҳудудий "Агропилла" масъулияти чекланган жамияти ва унинг туман ва туманлараро "Пилла" масъулияти чекланган жамиятлари негизида эса туман "Агропилла" масъулияти чекланган жамиятлари ташкил этилди.

Президентимиз Сурхондарёга ташрифи чоғида дастлаб Термиз туманидаги "Inter Silk Pro" қўшма корхонасига қарашли пиллахонада бўлиб, Хитой технологияси асосида пилла етиштириш жараёни билан яқиндан танишган, соҳа фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда келгуси беш йилда пиллахоналар сонини 10 мингтага, пилла экспортини эса йилига 1 миллиард долларга етказиш бўйича тавсия берган эди.

Айни пайтда Сурхондарёдаги ипакчилик корхоналарида ўтган йилда етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш ва уни хорижга экспорт қилиш ишлари жадал давом эттириляпти.

Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган "Inter Silk Pro" корхонаси йилига 150 тонна қуруқ ҳамда 100 тонна ностандарт пиллани қайта ишлаш имконига эга. Ҳозирда мавжуд тўртта цехда Япония ва Хитой технологияси асосида хом ипак, ностандарт пилладан пилла момиқ пахтаси, сунъий даста маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Эшиш цехида ипакка чуқур ишлов берилиб, мато тўқишга тайёр ип ҳолатида мижозларга етказиб берилаётир. Ярим тайёр маҳсулотларга асосан Хитой, Ҳиндистон, Эрон давлатлари харидор бўлмоқда. Мамлакатимиз ички бозорида ҳам бу маҳсулот талабгорлари талайгина.

— Сўнгги етти ойда 25 тонна хом ипак, 20 тоннага яқин пилла момиқ пахтаси экспорт қилинди, — дейди корхона муҳандиси Бекзод Худойқулов. — Жаҳон бозорида 1 килограмм хом ипак баҳоси 38-40, ипак момиқ пахтаси 30-35, тайёр ип маҳсулоти эса турига қараб 45-70 АҚШ долларига баҳоланади. Шу боис маҳсулот ҳажми ва сифатини оширишга доимий эътибор қаратяпмиз. Корхонамизда иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, 300 га яқин ишчи меҳнат қилади. Уларнинг 90 фоизини ёшлар ва коллеж битирувчилари ташкил этади. Ходимларимизга ҳар томонлама қулай меҳнат шароити яратиш мақсадида бепул тушлик ва транспорт хизматини йўлга қўйганмиз.

Корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишдик. Сараланган ипак дастлаб пахтасидан ажратилади. Сўнг махсус қозонда юқори ҳароратда қайнатилиб, дастгоҳларга олиб келинади ва қайта ишланади. Ипакдан олинган ўрамларга кимёвий усулда ишлов берилиб, яна қайта ўралади. Ўралган калавалар сифати махсус лабораторияда синовдан ўтказилиб, шу ернинг ўзида қадоқланади ва дастлабки ишлов бериш жараёни якунланади. Ипакни чуқур қайта ишлаш эса эшиш цехида давом эттирилади.

Жараённи кузатиш чоғида ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Фарҳод Абдураимовни қизғин иш устида учратдик. Аввал у кишини корхона ишчиларидан бири бўлса керак, деб ўйлагандик. Фарҳод ака ишчи кийимида бўлиб, эшиш дастгоҳидаги жараённи астойдил кузатар, ёнидаги ёш мутахассисларга зарур тавсияларни берар, уларни дастгоҳнинг ишлаш механизми билан бирма-бир таништирар эди.

— Ишга кирганимга энди бир ой бўляпти, лекин кўп нарса ўргандим, — дейди корхона ишчиси Ситора Шарипова. — Ҳозир дастгоҳни бемалол ишлатяпман. Яқинда биринчи маошимни ҳам оламан.

Юртимиз азалдан ўзининг ипак маҳсулотлари билан дунё халқларига муҳлум ва машҳур бўлиб келган. Кўпгина тарихий манбаларда юртимиз ипакчилар, ҳунармандлар диёри сифатида таърифланади. Шу боис ҳам, жамият қошида гиламчилик цехи ҳам ташкил этилган бўлиб, унга тажрибали ҳунарманд Дилафрўз Валлаева устоз сифатида ишга таклиф этилган. Ҳунарманд ипак толасидан гилам тўқишдаги моҳирлиги билан вилоят, республика миқёсидаги танлов ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, совриндор бўлган, мутахассислар эътиборини қозонган. У бу ҳунарни ёш қизларга ҳам ўргатиб келмоқда. Тайёрланган гиламлар шу ердаги дўконда сотиляпти. Яқинда Россия Федерациясидан ташриф буюрган сайёҳ шундай гиламлардан бирини 2,5 минг АҚШ долларига сотиб олибди.

— Одатда битта гиламни тайёрлаш учун олти-саккиз ой вақт кетади, — дейди Дилафрўз опа. — Шогирдларимга инсон қўли гул, ишимизда қунт ва сабрли бўлиш муҳимлигини, меҳнатимиз, албатта, ўз самарасини беришини кўп уқтираман. Қизларимизнинг мазкур ҳунарга бўлган қизиқиш ва иштиёқи юқори эканлиги уларнинг тез фурсатда мустақил иш олиб боришларига кўмак бермоқда.

Дарҳақиқат, миллий ҳунармандчилигимиз анъаналари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг мақсадларига муштарак ҳолда ривож топаётгани қувонарли ҳол. Ҳунармандлар учун яратилаётган янги имкониятлар Сурхон заминида етиштирилган пилла ҳосилидан келгусида тайёр маҳсулотлар яратишга, ўз ўрнида аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Баҳром НОРМУРОДОВ

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

КАШНИЧ — БЕНАЗИР "ШИФОКОР"

Баҳор арафасида одам организмида кўкатларга талаб ва эҳтиёж ортади. Бунда айниқса, жонга озуқа, ақл ва юракка қувват — кашнич алоҳида ўрин тутади.

Кашнич кўкатида С витамини лимонга нисбатан уч баравар кўп. У организмдаги камқонлик, суяклар мўртлашиши хасталигида самарали восита саналади. Таркибида мавжуд бўлган укаротин, темир, калий, фосфор, кальций моддалари инсон саломатлиги учун ниҳоятда фойдали. Бу хушбўй кўкат инсон организмидаги йиғилиб қолган балғамларни кўчириш хусусиятига эга бўлиб, жигар, буйрак фаолиятини тартибга солади, унинг фаол ишлашини таъминлайди. Шунингдек, у ўт тоши пайдо бўлишининг олдини олиб, ўт фаолиятини яхшилайди. Халқ табобатида кашнич кўкатидан нафас йўллари шамоллаганда фойдаланилади.

Баҳорнинг илк кунларида инсонларда ҳолсизлик, иштаҳа йўқолиши, чарчоқ аломатлари кузатилади. Мутахассислар бунда кашнич уруғидан тайёрланган дамламани тавсия этади. Дамлама киши иштаҳасини очади, юракни меъёрда ишлаши ва овқат ҳазм қилиш жараёнини яхшилашда ёрдам беради.

Кашничдан момоларимиз азалдан қорин дам бўлганда ва қабзиятда самарали фойдаланган. Бунинг учун бир ош қошиқ кашнич уруғи бир стакан сутга солиниб, 5-10 дақиқа давомида қайнатилганидан сўнг, илиқ ҳолда ичиш тавсия этилади. Кашнич уруғи дамламаси эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтириш хусусиятига эга. Уни тайёрлаш учун бир стакан қайнаган сувга уч ош қошиқ кашнич дони дамланиб, 30 дақиқа давомида тиндирилади. Ёш оналар ушбу дамламадан кунига икки маҳал, овқатдан 20 дақиқа олдин ярим стакандан ичиб туриши лозим.

Маҳлиё УМРЗОҚОВА тайёрлади.

Номоддий-маданий мерос

АСКИЯ — СЎЗНИНГ ЛАТИФ РАҚСИ, ДЕМАК...

Аския — халқимизнинг ўзига хос миллий санъат тури. Даврада жонли тарзда ўтказиладиган бундай сўзамоллик ўйини бошқа халқларда учрамайди.

Араб тилида "ақл", "зеҳн" маъноларини англатадиган аския санъати икки ёки ундан ортиқ киши (гуруҳ)ларнинг халқ йиғинлари, байрамлар, тўй-томошаларда муайян мавзу бўйича бадиий баҳсидир. Бунда ҳозиржавоблик, фикрни тез, лўнда, кулгили ва латиф тарзда баён қилиш муҳим. Аскиячиликда қайси тараф мавзу доирасидан четга чиқса, сўз танлашда хатога йўл қўйса, зарур ибора ёки сўз излаб тўхтаб қолса, ўша томон ютқазган ҳисобланади. Томошабинлар ўз кулгиси ва қийқириқлари билан тарафларнинг жавобларига баҳо бериб боради. Мазмундор аскиялардан завқ олинади, мазмунан саёз ё қўпол аскияга эътироз билдирилади.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Айрим аскиячи ва қизиқчилар одамларни кулдириш учун турли ножўя усулларни ўйлаб топишади. Бунинг оқибатида миллий маънавиятимизга зид, тингловчиларнинг меъдасига тегадиган қилиқлар қилишади. Баъзида қизиқчиликка масхарабозлик аралашиб кетади.

Аскиянинг бош мақсади, моҳияти сўз ўйини воситасида кулги ҳосил қилиш экан, халқимиз орасида анчайин машҳур "ашулалар пайрови" унинг беназир мисоли сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади:

Ғойиб ака: Раис бува!

Турсун бува: Лаббай!

Ғойиб ака: Икки қўлим билан гул тутсам, ***индамадингиз.***

Орифхон: Уста, мен гул тутайми, ***малол эмасми,*** *деб.*

Турсун бува: Битта қоғоз ёзиб сизга олиб бориб берайми, ***ё сиз боринг, ё мен борай,*** *деб.*

Махсум ака: Ашулани чиройли айтар экансизлар. Кечадан бери айтган ашулаларинг орасида яна биттаси қолди. Ғанижон, Амин бува, Ғойиб ака қўлларига арғамчи ушлаб, бир ерга ўтириб олиб, ашула қилишяпти: ***сайёра экан мендек,*** *деб...*

Эътиборлиси, аския таъсирли, серзавқ ва кулгили чиқиши учун аскиячилар ҳозиржавоб, бадиҳагўй, мавзу доирасида чуқур билимга эга бўлиши, юз-кўз, тана ҳаракатлари, товуш имкониятларидан унумли фойдалана билиши лозим. Мавзуни тўғри танлаш, тушунча ва фикрлаш тизимини мантиқий якунлай олиш бунда муҳим аҳамиятга эга. Унда сўз қўллаш маҳорати ҳамда мулоқот жараёнидаги тезкорлик, имо-ишоралар уйғунлиги аскиячининг асл маҳоратини намоён этади.

Ўзбек халқининг аския айтиши қадим замонлардан бошланган. Хусусан, манбаларда келтирилишича, аския санъати XV-XVI асрларда кенг тус олиб, унинг 50 дан зиёд тури мавжуд бўлган. XV асрда яшаган шоир Зайниддин Восифий ўз хотираларида Ҳирот шаҳрида Мирсарбараҳна, Бурҳоний Гунг, Ҳасан Воиз, Саид Ғиёсиддин, Шарфий, Ҳалил Саҳҳоб, Муҳаммад Бадахший каби ўткир сўз усталари борлигини айтиб ўтган.

Айни пайтда ушбу нодир фольклор жанрининг "баҳру байт",

"пайров", "қофия", "радиф", "ўхшатиш", "гулмисиз-райҳонмисиз?" каби 30 дан ортиқ тури мавжуд. Аскияни саҳна санъати даражасига кўтариш XX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Деҳқон юзбоши Шерназаров, Яшарқул Останақулов, Юсуф қизиқ Шакаржонов, Ғойиб ота Тошматов, Турсун бува Аминов, Абдулҳай махсум Қозоқов каби машҳур сўз усталари аския санъатини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшдилар. Шу тариқа анъанавий пайровлар бўлмиш "ўхшатиш", "гулмисиз-райҳонмисиз?", "қофия", "билганлар-билмаганлар" каби айтишувлар авлоддан авлодга ўтиб, сайқалланиб келмоқда. Мамлакатимизда Марғилон, Қўқон, Андижон ва Наманган аскиячилик мактаблари машҳур.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ миллий қадриятларимизни тиклаш, ибратли удумларимизнинг бардавомлигини таъминлаш, маданият ва санъатни ривожлантиришга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилди.

Жаҳон миқёсида ҳам халқимизнинг маданий мероси алоҳида эътироф этилмоқда. 2014 йил 27 ноябрда ЮНЕСКО Бош қароргоҳида ўтказилган Номоддий маданий мерос қўмитасининг 9-сессиясида аския ҳам инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги "2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори номоддий маданий меросимизнинг энг ноёб жанрларидан бири аския санъатини янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлаётир. Ушбу дастур асосида бугунги кунда халқимизнинг маданий тарихини қайта тиклаш, сақлаш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур санъатни сақлаш, тарғиб этиш ва ривожлантириш мақсадида тадқиқотлар, танлов ва фестиваллар, аския кечалари (Тошкент, Хонобод, Марғилон) уюштирилиб, қатор туркум телекўрсатувлар тайёрланиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилаётир.

Андижон вилоятида ўзига хос мактаб яратган аскиячилар кўп ўтган. Шу боис ҳам 1992 йилдан буён ҳар йили 5 май куни ушбу вилоятда Ўзбекистон халқ артисти, кулгу дарғаси Сойиб Хўжаев хотирасига бағишлаб аскиячи ва миниатюра театрларининг мамлакат кўрик-танлови анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда. Аския ва миниатюра театри санъатини ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оммавийлигини ошириш, аскиячилар, миниатюра театрлари актёрларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган мазкур танлов янги-янги истеъдодли аскиячилар, миниатюра театрлари жамоаларини кашф этишга хизмат қилмоқда. Қоларверса, Асака туманида ҳар икки йилда "Чўнтакда аския базми", "Андижонда кулгу фестивали" тадбирлари уюштирилаётир. Халқ орасида аския, пайров ва латифалари билан танилган, сўз устаси сифатида эътибор топган ёшларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, устозлар анъанасини давом эттириш мақсадида туманлардаги маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошида аскиячилар клублари ташкил этилди. Шунингдек, вилоятда Абдулҳай махсум Қозоқов, Ҳусан қизиқ, Ғуломжон Рўзибоев, Юнусқори Юсупов номидаги аския гуруҳлари ва Ҳасанбой Султонов номидаги ёш аскиячилар гуруҳи ташкил этилган.

Айни пайтда Фарғона вилоятида ҳам аския санъатини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Қўқон шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги "Аския" халқ жамоаси, Учкўприк тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги "Ҳангома" халқ театри ҳамда Риштон тумани ва Марғилон шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш марказларидаги аскиячилар клублари мазкур санъатни ёшлар орасида оммалаштириш ва кенг тарғиб этишга хизмат қилаётир.

Марғилон шаҳрида ҳар йили анъанавий тарзда аскиячилар фестивали ўтказиб келинади. 2017 йил 5 август куни Фарғона шаҳрининг Ислом Каримов номидаги театр-концерт саройида ўтказилган аскиячилар фестивалида 30 дан зиёд сўз усталари, аскиячи гуруҳлар ҳамда ёш аскиячилар тўгараклари аъзолари иштирок этди...

Мухтасар айтганда, аския олди-қочди, саёз латифа айтиб, одамларни кулдириш эмас, балки ўткир зеҳн — доимо изланиш, адабиётни мунтазам кузатиб бориш, теварак-атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга синчков назар билан қарашни талаб қиладиган, одамларга чинакам қувонч ва шодлик улашадиган санъат ҳисобланади. Шу боис ҳам у неча асрлардан буён кўнгил ғуборларини аритишга қодир номоддий маданий мерос сифатида халқимиз ардоғида.

Давронбек ШУКУРОВ,
Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази бўлим бошлиғи

ТУРФА ОЛАМ

ҚУРИЛМА ОВҚАТ ТАРКИБИНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

АҚШнинг Массачусетс штатида жойлашган Тафста университети мутахассислари тановул қилинаётган озуқа таркиби тўғрисида маълумот берувчи қурилма – ўлчагич (датчик) ихтиро қилди, дея хабар беради hi-news.ru сайти.

Мазкур қурилма тишнинг устки қисмига ўрнатилса, истеъмол килинаётган овқат таркибидаги глюкоза, туз, минераллар миқдорини аниқлай олади. Ускуна уч қисмдан ташкил топган: иккита ташқи қисм сигналларни узатувчи антенна сифатида хизмат қилса, ички қисмидаги микросхема озуқа маҳсулотлари ҳақида маълумотларни йиғиб беради. Олинган маълумотлар махсус дастур орқали телефонга жўнатилади.

Бундай қурилма олдин ҳам яратилган, аммо муваффақият қозона олмаган. Уларда қурилма устига ҳимояловчи қатлам ўрнатиш зарурияти, ҳажм ва ишлаш давомийлиги билан боғлиқ камчиликлар бўлган. Янги ускуна ҳажми атиги 2 миллиметр, унда аввалги нусхалардаги каби камчиликлар бартараф этилган.

Жалолиддин ЎРИНОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар 158-умумтаълим мактаби томонидан **Горкун Александр** номига 14.06.2007 йилда берилган **U № 2832956** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Шаҳноза Қаҳҳорзодага турмуш ўртоғи

Беҳзод ПИРМАТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САЙДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 416, Адади — 7840. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Мухторбек АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.05. Топширилди — 22.20.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12345